O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 17 (531)

2007-yil 18-aprel

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 Мақсадсиз одам — кераксиз буюм

"Яшашдан мақсадимиз нима, олдингизга бирор мақсад қўйганмисиз?" деган саволларга ёшлар, тенгдошларим орасидан жавоб қидирдим.

Берилган жавобларнинг аксарияти "пул топиш, бой бўлиш" қабилида эди.

3 Қайдасан, АСАЛИМ?



Одамни клонлаш қўлидан келган инсоният негадир сунъий асал тайёрлай олмаяпти. Асаларисиз асал ишлаб чиқаришга ҳаракатлар анча илгаридан бери давом этиб келмоқда. Натижа эса... натижа эса бир гуруҳ қавмдошларини алдашдан нари ўтишга ярамаяпти.

4 Закийлик

Домла Озод Шарафиддинов қанчалик жиддий, теран фикрли ижодкор, олим, мунаққид бўлишига қарамай ҳар қандоқ суҳбатдош билан бўладиган гурунгга файз киритиб турадиган ўзига хос ҳазил-мутойиба, юморнинг устаси эдилар.

HURRIYATга 2007 йил учун обуна йил бўйи давом этади.

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Жараён

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҳамкорликка етаклайди

Ҳар қандай жамиятда ва шароитда инсон инсон учун азиз ва ҳамкор бўлса, бундай жамиятнинг келажаги порлоқ, истиқболи аниқ бўлади. Чунки жамият аъзоларининг бир-бирига бундай муносабати ҳаётий эҳтиёжларини ҳамкорликда қондириш имкониятини яратади.

Акбар ҒАНИЕВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ҳар қандай жамият, давлат ўз тараққиётида кўпчиликнинг ўзаро бир-бирини тушуниши, мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳамжиҳатлик билан ёндашгандагина ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Тарихдан маълумки, халқлар доимо ўз юртлари ва жаҳонда тинчлик, фаровонлик доимий тарзда таъминланишидан манфаатдор бўлиб келганлар.

Ҳар бир инсон жамиятнинг ўзига хос аъзоси. У иқтидори ва салоҳияти даражасида аниқ касб-ҳунар эгаллаб, замондошларининг маълум бир ҳаётий эҳтиёжларини қондириш билан уларнинг эътиборини қозонади ва ўзига хос меҳнати билангина жамиятга зарурлигини англаб етади. Инсон бошқалар учун ўзининг зарурлигини англаб яшаши унда инсонийлик шаъни ва ғурурининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади. Якка, худбин, яъни фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлайдиган кишидан ўзгаларнинг ташвишлари билан кўпроқ машғул бўлувчи инсонга айланади. Ватанимиз мустақилликка эришганидан буён халқимизнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш сиёсати орқали жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини аввало ўзи, оиласи ва жамият аъзоларини ҳар томонлама таъминлашга эришиб келмоқда.

Инсоннинг ҳаёти ва меҳнати бошқа кишилар учун ҳаётий эҳтиёжга айланса, демак, у якка кишидан жамиятнинг барча талаб ва қоидаларига амал қилиб яшайдиган шахсга айланади. У юксак инсоний сифатларни ўзлаштириб ва эга бўлиб шахс сифатида ўзи, оиласи, маҳалласи, элу юрти шаъни учун жамиятнинг масъул аъзоси даражасига кўтарилади. У доимо эли ва юрти тинчлиги, фаровонлигини таъминлаш, ватани ва халқининг шонш-шуҳратини жаҳонга таралиши учун астойдил ҳаракат қилиб яшайди.

Ижтимоий ҳимоя мамлакатимиз тараққиётининг асосий тамойилларидан бири ва энг муҳими саналади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор берилиб, аҳолининг кам таъминланган қатлами ғамини еб ва ўйлаб, уни мумкин қадар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта маблағ сарфлаб келинмоқда.

Юртбошимиз томонидан 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас.

Бизнинг ота-боболаримиз уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга халқ сифатида бировдан ҳеч қачон кам бўлмаган ва кам ҳам эмас. Халқимиз азалдан бўз ерларни ўзлаштириб, сув иншоотлари ва тармоқлари тизимини яратиб, деҳқончилик ва чорвачиликдан юқори ҳосил олиб, ўзи ва Ипак йўлидаги давлатларни ҳам таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келган. Бир парча топган нонини қўшниси билан баҳам кўриш халқимизга хос қадимий одат. Қозоқ халқининг буюк фарзанди Абай Қўнонбоев: "Ўзбек ердан бир чўп топса ҳам ерга қадаб парваришлашга ҳаракат қилади. У вояга етиб ҳосил берса, "Қўшни, дарахтим ҳосил берди, унда сенинг ҳам ҳақинг бор" деб, уни қўшниси билан баҳам кўради. Агар унибўсмайдиган чўп бўлса, унга ишлов бериб рўзғорда ишлатиш учун ундан бирор буюм яратади. Ўзбек қардошимиз шундай халқ", деб халқимизни таърифлаган эди.

Халқимиз табиатан ҳожатбарор, муҳтожларга ёрдам кўрсатишга доимо тайёр турган. Хўжа Аҳрори Валий бобомиз ўзларига эҳсон қилинган барча бойликларни бир мисқол қолдирмай муҳтож оилалар, етим-есирларга инъом қилганлар. Бундан намуна олган Алишер Навоий ҳазратлари ҳам ўз ҳисобларидан халқ учун иншоотлар барпо қилганлар, сув тармоқлари қаздирганлар, кўприклар солдирганлар. Ёки бўлмаса китобларидан кўплаб нусхалар кўчиртириб мамлакатнинг турли шаҳарларидаги мактаб, мадраса ва масжидларга жўнаттирганлар. Салоҳиятли ёшларни топиб, улар иқтидорини юзага чиқиши ва меҳнати маҳсулидан эл-юрт баҳраманд бўлишига доимо ҳомийлик қилиб келганлар.

Ижтимоий ҳимоя йилида тадбиркор ва ҳожатбарор ишбилармонларимиз моддий жиҳатдан қийинчиликда яшаётган оилаларга катта қозонларда ош дамлаб эҳсон бериш билан бирга фарзандларимизни аждодларимизнинг бизга қолдирган меросларини ўқиб ўрганишлари учун мактаб кутубхоналари, маҳалла гузарларидаги кутубхоналарни китоб билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор билан қарасалар жуда фойдали ҳамда савобли иш қилган бўлардилар. Зеро, ижтимоий ҳимоянинг асл моҳияти ҳар биримиз фақат қаердандир нимадир кутиб ўтирмасдан астойдил саъй-ҳаракат қилиб, ўзимиз ҳамда замондошларимиз учун фойдали бўлган иш билан машғул бўлиш ва меҳнатимиз маҳсули билан бир-биримизни баҳраманд этишдир.

Ифтихор

Бокс, бу — Руслан Чагаев!

Ўзбек боксчиси "саккизинчи мўъжиза"ни йўққа чиқарди



Ўтган ҳафта бутун дунё бокс мухлисларининг диққат-эътибори Германиянинг Штутгарт шаҳрига қаратилганди. Чунки айни шу шаҳарда мухлислар томонидан интиқлиқ билан кутилган жанг — россиялик Николай Валуев ва юртдошимиз Руслан Чагаев беллашуви бўлиб ўтди. Бутунжаҳон бокс ассоциацияси (WBA) таснифида суперогир вазндаги жаҳон чемпиони унвони учун ўтган баҳс жуда ҳам қизиқарли ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди.

Агар беллашувдан олдинги тахминларни эслайдиган бўлсак, аксарият мутахассислар ғалаба учун Николай Валуевнинг имконияти жуда катта эканини таъкидлашганди. Рус боксчиси ғалабасига ишонч билдирган мутахассислар биринчи навбатда унинг жисмоний ҳолатига асосланган бўлсалар керак. Чунки Николай Валуев ҳам бўй, ҳам вазн кўрсаткичлари бўйича Русландан устунроқ эди (Николой Валуевнинг бўйи — 2,13 метр, вазни — 144,7 кг; Руслан Чагаевнинг бўйи – 1,85 метр, вазни — 103,5 кг. Яъни рус спортчиси ҳамюртимиздан 41,2 кг оғирроқ ва 32 см баландроқ эди).

Қолаверса, умумий натижалар бўйича ҳам рус спортчисининг натижалари нисбатан юқорироқ эди. Профессионал боксдаги фаолияти давомида бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган Николай Валуев 46 та жангнинг барчасини ғалаба билан якунлаганди. Ҳали ёш бўлишига қарамай, катта рингларни кўриб улгурган ва ҳозиргача доим қўли баланд бўлиб келаётган юртдошимизнинг ҳисобида эса 23 та ғалаба бор эди.

Давоми 3-бетда.

Анжуман

Кеча Ўзбекистон мустақил ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда "Мамлакат ижтимоий ҳаётини ёритишда ОАВ фаолиятини такомиллаштириш" мавзусида ўтказган анжуманида асосий эътибор оммавий ахборот воситаларини фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида тутган ўрни ва аҳамиятига қаратилди.

Яна 20 та грант топширилди

Анжуманнинг асосий қисми гарчи бир кун давом этган бўлса-да, айтиш жоизки, жуда кўп ва катта масалалар муҳокама этилди, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Анжуман ҳам назарий, ҳам амалий шаклда олиб борилгани, унда пойтахтдан ташқари вилоят, туман ва тармоқ миқёсидаги газеталар вакиллари, веб-сайтлар билан шуғулланувчи мутахассисларнинг ҳам иштирок этишгани ҳар жиҳатдан фойдали бўлди, деб айтиш мумкин.

Анжуман иштирокчилари уч гуруҳга бўлиниб амалий машғулотлар олиб бордилар. Ва ҳар соатда ўзаро фикр алмашиб турдилар. Бу уларга барча иштирокчиларнинг босма ва интернет нашрларда медиа-бизнесни ривожлантириш, таҳририятларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳудудлардаги журналистик маҳорат марказлари фаолияти кўламини кенгайтириш, веб-сайтлар фаолиятини такомиллаштиришнинг муаммолари ва ҳал этиш йўллари мавзуларида ҳам фикр юритиш, таклиф ва мулоҳаза билдириш имконини берди. Бундан ташқари инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналиши, жамиятни маънавий юксалтириш — ижтимоий сиёсатнинг муҳим омили, ахборот жараёнларини глобаллашувида миллий манфаатларни таъминлаш, "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг ўрни хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуман доирасида янги ташкил этилган "Region Inform" ахборот хизмати тақдимоти бўлиб ўтди, Жамоат фонди томонидан 2007 йил грантларига сазовор бўлган 20 та таҳририятга сертификат топширилди. Бундан ташқари Жамоат фонти томонидан босма ва интернет нашрларда ишлаётган журналист хотин-қизлар ўртасида ўтказилган "Матбуотимиз маликаси" танлови ғолиби эълон қилинди ва тақдирланди.

МУХБИРИМИЗ

Суриштирув

Қонун кўз ёшларига боқмайди

ёхуд бир можаронинг ўз интиҳосини топмаётгани хусусида

Гап оддий бир можаро устида бормаяпти. Иккита кўчқорнинг калласи бир қозонда қайнамай қолса, уни пишириб олишнинг бошқа иложи топилар. Айниқса, қонунлар ишга солингудек бўлса, бундан осони йўқ.

Биз қаламга олаётган низо замирида юз нафардан зиёдроқ ҳиссадор бош қўшган жамоа ва "ўз қонуний" улушини талаб қилаётган меросхўр ўртасида а-анча катта маблағ тақдири ётибди. Аниқроқ қилиб айтгудек бўлсак, Фарғона вилоятининг Фурқат туманида жойлашган "Қўқон бўрдоқичилик" пункти жамоаси билан меросхўр Ғуломжон Солиев ўртасидаги ҳиссадорлик улуши бўйича тортишувлар...

Солиҳ ҚАҲҲОР

Дарровгина "Ахир бу жамоа-ку! Нега энди бир киши инсофсизлик қилиб шунча пулни олиб кетаверса?!" деган фикр уйғониб қолмасин. Қайси даврда яшаётганимизни эътибордан қочирмайлик. Негаки, хусусийлаштириш ва шахсий мулк манфаатларини муҳофаза қилувчи қонунлар амал қилиб турибди. Ўртада ҳиссадорлик мақомики бор экан, бас, у жамоами ёхуд оддий бир улушдорми, бунинг аҳамияти йўқ. Қонун кўз ёшларига боқмайди. Ким ҳақ бўлса, албатта, ўшани ҳимоя қилади. Аниқроғи, ҳимоя қилиши шарт!

Биз ҳозир ана шу қонунларни ишга солаётган, уларга руҳ ва маъно бахш этаётган муҳтарам судьяларимиздан аввало узр сўраган ҳолда, мазкур низо бўйича судлов ишларида у ёки бу ҳукмга келишдан олдин барча ҳолатлар қонун талабларига кўра обдон ва етарли ўрганиб чиқилганми, ҳисобга олинганми-йўқми, улар эътиборини шунгагина яна бир карра жалб қилмоқчимиз холос.

Аввало, айтиб ўтиш жоизки, алақачон суд ижрочилари орқали ўзига тегишли улуш қисмини ола бошлаган Ғуломжон Солиев ҳам, жамоа мулки ҳимоясига отланган улушдор вакиллар И. Мирзакаримов, А. Тошбоев ва М. Ҳакимовалар ҳам, хуллас иккала томон ҳам анойи одамлар эмас. Қонунчиликдан, ҳуқуқий саводдан анча-мунча хабардор кишилардир.

Жамоа томон айрим суд инстанцияларининг ижрога қаратилган қарор ва ажримларини тан олмаган ҳолда, чиндан ҳам рад этилиши қийин кўринаётган далилларга асосланиб, ҳисобга олинмаган ҳолатлар бўйича ишнинг қайтадан кўрилишини талаб қилишяпти. Иккинчи томон эса, унинг манфаатлари тўла-тўкис ҳимоя қилинган суд қарорининг белгиланган муддатда ва тўла-тўкис бажарилишини талаб қилиб, оёқ тираб турибди.

Ўз ўрнида, низо келиб чиқиш тафсилотига тўхталиб ўтмоқ лозим кўринади. Гап шундаки...

Давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ҳукумат қарори эълон қилингач, 1993 йилда "Қўқон бўрдоқичилик" пункти жамоаси ҳам бу ишга бош қўшиб қолди. Давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Фарғона вилоят бошқармаси вакили бу ерга келиб, мазкур ташкилот мулклари қийматини ўрганиб чиқди ва уни 366 миллион сўм-кўпон, деб белгилади. 123 нафар ишчи-хизматчининг ана шу қийматни ўн йил ичида давлатга қайтариш шарти-мажбурияти билан, бу жамоага ҳудудий бошқарманинг 1994 йил 19 апрелдаги N00111-XII буйруғига асосан мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи N001772-сонли давлат ордери берилди. Шунингдек, "Қўқон бўрдоқичилик" ҳиссадорлик жамоасининг низоми Фарғона вилоят Адлия бошқармасининг 1994 йил 15 мартдаги 2-сонли қарори билан рўйхатга киритилди.

Ўша пайтлар янги ташкил топган ҳиссадорлик жамиятига раислик қилиб турган Абдужалил Қодиров узрли сабабларга кўра ўз аризаси билан жамоа сафини тарк этди. Энди унинг ўрнида вилоят Гўшт-сут компанияси тавсияси билан Ғафуржон Солиев бошчилик қила бошлайди.

Шу жойда журналистнинг холислик амалиёти нуқтаи назаридан келиб чиқиб, низо тафсилоти бўйича гапни бевосита томонларнинг ўзларига қўйиб берайлик.

Таҳририятимизга шикоят билан мурожаат қилишган жамоа вакиллари И. Мирзакаримов, А. Тошбоев ва М. Ҳакимоваларнинг ёзишларича, барча чалкашликлар ва юзага чиққан адолатсизликлар ана шу янги раҳбарнинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Ғафуржон Солиев аввалига ишда анча жонкуярлик кўрсатди. Бироқ кейинроқ бу ерда эгалланиб турган лавозимидан қатъи назар ва қанчалик жон куйдириб ишламасин, ўз манфаати жиҳатидан олиб қараганда, шунчаки бир ёлланма ходим сифатида қолаётганини тушуниб, жамоа мулкидан асосий қисмга улушдор бўлмоқ мақсадида у гўё энди бошқачароқ йўл қидира бошлади.

"Қўқон бўрдоқичилик" жамоа хўжалигининг 2000 йил 10 апрелидаги йиғилиши қарорида, хўжалик ўз иқтисодиётини янада ривожлантириши учун жамият таъсисчилари томонидан низом фондини кўпайтириш зарурлиги ва шу орқали хўжалик ўз айланма маблағини ошириб, қўшимча равишда чорва моллари ҳамда ем-хашак сотиб олиши белгиланди.

Шунингдек, умумий йиғилиш кун тартибида "Қўқон бўрдоқичилик" жамоа хўжалигини масъулияти чекланган жамиятга айлантириш, эндиги таъсисчилар сонини белгилаш ва янги низомни тасдиқлаш масаласи ҳам бўлган.

Раис Ғафуржон Солиев янги жамиятнинг низом лойиҳасини ўқиб эшиттириб, низом фондини дастлабки 2 миллион 20 минг сўмдан 6.870.660 сўмга кўпайтириш таклифини киритди. Шундай қилиб, таъсисчиларнинг ўз шахсий қўшган улушларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Давоми 2-бетда.

Танлов

Камқонликка қарши кураш давом этади

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан «Унни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг матбуот, электрон ОАВ, телевидение ва радио соҳасидаги учинчи миллий мукофоти» эълон қилинди.

Танлов шартлари тақдимотига бағишланган тадбир Миллий матбуот марказида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Андро Шилакадзе, Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти Анемия маркази директори Дилором Сулаймонова, Унни бойитиш бўйича миллий дастур менежери Олим Мирҳошимов ва бошқа мутахассислар иштирок этишди.

Анъанага айланиб улгурган мазкур танловни ўтказишдан мақсад миллатнинг жисмоний ва маънавий салоҳиятига кучли таъсир ўтказувчи анемияга қарши курашга кенг жамоатчилик эътиборини қаратишдан иборат.

Миллий танлов матбуот, электрон ОАВ, ТВ ва радио каби йўналишларда ўтказилади. Жорий йилда танлов мавзуси янада кенгайтирилган. Оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли орасида йодланган тузнинг фойдали хусусиятлари тўғрисидаги маърифий ишлар учун ҳам янги номинация қўшилган.

Умуммиллий миқёсдаги танловда республикамиз вилоятларида фаолият юритувчи журналистлар ҳам қатнашишлари мумкин. Ҳакамлар ҳайъати 2007 йилнинг 11 апрелидан 26 октябрига қадар эълон қилинган материалларни кўриб чиқади. Ижодий кўрик якунлари 2007 йилнинг ноябрида эълон қилинади. Ғолиб чиққан журналистлар касбий фаолияти учун зарур бўлган компьютер, видеокамера, фотоаппарат, диктофон, уяли телефон ва бошқа жиҳозлар билан тақдирланадилар.

Бу йилдан бошлаб ташкилотчилар танловга мамлакатимизнинг шаҳар ва туманларида фаолият юритаётган ОАВ ходимларини ҳам кенг жалб этишни мақсад қилишган. Шу мақсадда жорий йилнинг мартидан бошлаб Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда вилоят ҳудудларида журналистлар учун амалий семинарлар ўтказиляпти. Бутун мамлакат миқёсида ташкил этилиши режалаштирилган семинарларда унни бойитиш ва тузни йодлаш борасида ОАВ ходимларининг касбий билимларини ошириш кўзланган.

Миллат саломатлигига бефарқ бўлмаган ҳамкасбларимизни унни бойитиш дастури доирасидаги танловда фаол иштирок этишга чорлаб қоламиз.

МУХБИРИМИЗ

Қонун кўз ёшларига боқмайди

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мазкур қарор асосида, дейилади Республика суд экспертиза марказининг Фарғона вилоятлараро бўлинмаси эксперти Б.М. Мингбоевнинг хулосасида, бошқарув раиси Ғафуржон Солиев жамоа низом фондини тўлдириш учун ўз ҳисобидан 27 рақамли кирим-ғазна ордери билан (10.04.2000) 2 миллион 753660 сўм ва 28 рақамли кирим-ғазна ордери билан (12.04.2000) 2 миллион 97 минг сўм, жами 4 миллион 850 660 сўмлик маблағни жамоа ғазнасига кирим қилдирган. Шундай қилиб, Ғафуржон Солиевнинг улушдорлик ҳиссаси энди амалдаги 1,4 фоиздан 76,3 фоизга кўтарилади.

Бироқ эксперт улушдор Ғ. Солиевнинг кирим қилдирган маблағи бухгалтерия ўтказмаси (проводкаси) бўйича 85/1 ҳисоб-рақам, яъни низом фондига эмас, балки 73-ҳисоб-рақам, яъни бошқа кредиторлар ҳисобига расмийлаштирилганини назарда тутиб, 76,3 фоизни тасдиқламайди. Шунингдек, умумий йиғилиш қарорида низом фонди фақат жамият таъсисчилари томонидан кўпайтирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлса-да, айни ҳолда низом фондига қўшимча улуш фақатгина жамият бошқаруви раиси Ғ. Солиев томонидан киритилган. Оқибатда, бу қўшимча улуш дастлабки таъсисчиларнинг низом фондига нисбатан бўлган улушлари миқдорига бевосита ўз таъсирини етказган, дейилади хулосада.

Ўртадаги низонинг асосий сабабларидан бири — юқорида кўрсатилган икки хил фоиз кўрсаткичи (1,4 ва 76,3) билан боғлиқдир. Яъни улушдор ҳиссаси 1,4 фоиз бўлган тақдирда, экспертнинг 2004 июндаги хулосасига кўра, 1 миллион сўмга етмайди. 76,3 фоиз бўлганда-чи, 2004 йил 16 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, дивидентлари билан қўшиб ҳисоблаганда 130 миллион сўм атрофида бўлади!

Шу орада... Жамият бошқаруви раиси Ғафуржон Солиев тақдир тақозоси билан ногоҳ вафот этиб (охирати обод бўлсин), энди унинг улушдорлик (76,3%) ҳиссаси учун ягона ўғли Ғуломжон Солиев қонуний меросхўр сифатида даъво билан чиқади.

Низони келтириб чиқарган иккинчи асосий сабаб бевосита давлат мулкини хусусийлаштириш ҳудудий бошқармаси фаолиятидаги ўша йилларга хос айрим қонунбузарликлар билан боғлиқдир.

Масалан, ҳудудий бошқарма 1994 йилда ўзи берган N001772-сонли Давлат ордерини 1998 йилга келиб, яъни орадан тўрт йил ўтиб униси муваққат эди, деган баҳонада бекор қилиб, қайтадан N9411-сонли ордер ёзиб беришини қандай тушуниш мумкин? Ваҳоланки, дастлабки ордер муваққат эмас, ҳақиқий бўлган. Бунинг замирида кўзбўямачилик ётганини пайқаш қийин эмас. Ордер бевосита бошқарма мутасадди ходимларининг айби билан рўйхатдан ўтказилмай қолиб кетган ёки атайин қилинмаганми? Энди бу жиддий хатодан халос топиш лозим бўлиб қолувди чоғи.

Бошқарманинг 3963/087-5 рақамли (21.10.1998) буйруғидаги 6-бандда шундай сўзлар ёзиб қўйилган: "Қўқон бўрдоқичилик" пункти меҳнат жамоасига бошқарма томонидан 1994 йил 20 апрель куни берилган мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи муваққат Давлат ордери рўйхатдан ўтказилмаганлиги сабабли бекор қилинсин". Ҳайрон қоласиз, ахир ўша 00172-сонли ордерда "ордер берилган ва қайд этилган сана 20 апрель 1994 йил" деб ёзиб қўйилган-ку?! Ёки бўлмаса, нима учун рўйхатдан ўтказилмади? "Муваққат" сўзи ордерда йўқ-ку, деган саволларга ким жавоб беради?

Аввало, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасидаги асосий воситаларни қайта ҳисоблаш ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги 572-сонли (28.11.1994) қарори фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасаларга, шу жумладан "Қўқон бўрдоқичилик" жамоа хўжалигига ҳам тааллуқли бўлган. Қарорнинг биринчи бандида, асосий воситалар қийматини қайта ҳисоблаб чиқиш бевосита корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўзларига юклатилган. Бироқ ҳудудий бошқарма мазкур жамоа хўжалигининг мулкида бўлган асосий воситалар қийматини қайта ҳисоблаб чиқиб, ўз ваколатлари доирасидан чиқиб кетганлигини ҳам ўз ўрнида таъкидлаб қўйиш жоиздир.

Шундай қилиб, 1994 йил 20 апрелда берилган мулкни тасдиқловчи 001772-сонли Давлат ордери асосида "Қўқон бўрдоқичилик" пункти меҳнат жамоаси томонидан дастлабки мулк баҳоси — 395.666,7 минг сўмдан 1994 йилда 30 фоизли дастлабки тўлов ҳамда 1998 йил 27 мартда 235559,5 сўмлик маҳаллий бюджет Давлат божи ва шунингдек, ҳудудий бошқарманинг 5 фоизли ҳисоб-рақамига тўловлар тўлиқ амалга ошириб борилганлиги қайд этила туриб, мазкур ордер асоссиз бекор қилинган. Энди эса янги нархда (!) Давлат ордери бериляпти ва бу билан Фуқаролик кодекси 237-моддасининг шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, деган қисми бузиляпти.

Давлат мулкини хусусийлаштириш вилоят ҳудудий бошқармасининг "Қўқон бўрдоқичилик" пунктини мулкчиликнинг жамоа мулки шаклига ўтказиш ҳақидаги 00111-XII-сонли (19.04.94 й.) буйруғига ўзгартириш киритиш ҳақидаги 1998 йил 21 октябрда чиқарган 3963/087-5 рақамли буйруғи натижасида Фуқаролик кодексининг 231-моддасида назарда тутилган негатор даъво учун асослар юзага келган. Яъни "Қўқон бўрдоқичилик" жамоа хўжалигининг хусусийлаштиришда қатнашиб, мулкни сотиб олиш учун пул маблағларини қўшган меҳнат жамоаси аъзолари ўз ҳуқуқларининг бузилишини, гарчи бу бузилиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилишлари мумкин бўлган ҳолатни юзага келтирган.

Ҳудудий бошқарманинг 1998 йил 21 октябрдаги 3963/087-5 рақамли буйруғи билан 1994 йил 20 апрель ҳолатига меҳнат жамоасида ишламаган, "Қўқон бўрдоқичилик" пункти давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш учун меҳнат жамоаси аъзолари томонидан берилган буюртмага имзо чекмаган ва "Қўқон бўрдоқичилик" пункти меҳнат жамоаси томонидан дастлабки мулк баҳоси — 395.666,7 минг сўмдан 1994 йилда 30 фоизли дастлабки тўловни амалга оширишда иштирок этмаган, аммо ҳудудий бошқарманинг 1998 йил 21 октябрдаги буйруғи чиққан пайтда "Қўқон бўрдоқичилик" жамоа хўжалиги раҳбари бўлган марҳум Солиев Ғафуржонга жамоа хўжалиги таъсисчиларига ноқонуний равишда қўшилиб олиш имкониятини яратиб берган. Яъни Солиев Ғафуржон меҳнат жамоаси аъзоси бўлгани учун 1999 йил январда тузилган "Фурқат туманидаги бўрдоқичилик жамоа хўжалигида ишловчи аъзоларнинг мулкни давлат тасарруфидан чиқариб сотиб олишдаги мулкий улушларини ҳисоблаш тартиби"даги рўйхатга киритиб қўйилган.

Биринчи ва аппеляция инстанцияси судлари "Қўқон бўрдоқичилик" масъулияти чекланган жамиятидаги марҳум Ғ. Солиевга тегишли бўлган 76,3 фоиз улушнинг қийматини ҳисоблаб чиқаришда моддий ҳуқуқ нормативларини ва айнан Ўзбекистон Республикаси "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуни талабларининг бузилишига йўл қўйишган.

Юқорида киритилган барча далилларни меҳнат жамоаси ўртага қўяётган асосларнинг баёни сифатида қабул қилайлик-да, энди меросхўр Ғуломжон Солиевнинг ўзига сўз берайлик.

— Янги ташкил этилган МЧЖнинг низоми ва таъсис шартномасида отамнинг улуши 76,3 фоизлиги ўз тасдиғини топган, — деб ҳикоя қилади у. — Отам ҳаётлик пайтида бунга ҳеч ким эътироз билдирмаган. Бироқ вафот этганларидан сўнг ушбу улуш нотўғри қўшилган, дегувчилар чиқиб қолди. Ўзбекистон туманлараро фуқаролик суди 2002 йил 8 январдаги ҳал қилув қарори билан иш менинг фойдамга ҳал бўлган. Ҳатто Олий судлов ҳайъатининг 2003 йил 28 мартидаги ажримида ҳам жамият масъулияти чекланган жамиятга тўғри ўтганлиги ҳамда унинг низоми ва таъсис шартномаси қонунийлиги, улушлар миқдори тўғрилиги ўз тасдиғини топган эди.

Шундан сўнг мен 2003 йилнинг сентябрида оиламиз яшаб турган Фурқат туманидаги Давлат нотариал идорасидан менга мерос гувоҳномаси ёзиб беришларини сўраб, онам ва иккита опамнинг марҳум отамиз Солиев Ғафуржоннинг "Қўқон бўрдоқичилик"даги 76,3 фоиз улушини менинг фойдамга воз кечганликлари ҳақидаги тилхатини илова қилган ҳолда ариза топширдим. Бироқ нотариус Х. Қодирова менга "Қўқон бўрдоқичилик" МЧЖ томонидан 2003 йил 19 сентябрида берилган 65-сонли маълумотнома асос сифатида ўтади, унда отангизнинг улуши 1,4 фоиз деб кўрсатилган, деган важ билан мерос гувоҳномасини расмийлаштиришдан воз кечди.

Ноиложликдан, судга даъво ариза билан мурожаат қилдим. Ниҳоят 2004 йилнинг 16 июлида Ўзбекистон туманлараро фуқаролик суди ўзининг ҳал қилув қарори билан мени меросхўр деб эътироф этди.

Ғуломжон Солиев, шунингдек, Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раёсатининг 2005 йил 11 мартдаги №5-16 қарорини ҳисобга олмаганда, бир қатор судлов инстанцияларининг қарор ва ажримларида иш унинг фойдасига ҳал этилганига қарамай, жамоа вакиллари ўз аҳдларидан қайтишмаётганини афсус билан таъкидлайди.

Албатта, Ўзбекистон Фуқаролик-процессуал кодексининг 88-моддасида, маълум бир иш бўйича олдин айнан тарафлар ўртасида айни предмет бўйича кўриб ҳал қилинган бўлса ва бу тўғрида суднинг қонуний кучдаги қарорлари мавжуд бўлса, суд бу мазмундаги даъвони қабул қилмаслиги ёки қабул қилиб қўйган бўлса, ишнинг шу қисми бўйича иш юритишни тугатиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Буни муҳтарам судьяларимиз яхши биладилар ва унга қатъий амал қилишади. Бироқ судда кўрилган ва ҳукм чиқарилган ўша маълум иш бўйича ҳали ҳисобга олинмаган янги ҳолатлар юзага чиқаркан, суд ҳукмидан норози томон судлов органларига қайта мурожаат этгудек бўлишса, бундан ўкинмаслик керак. Айни чоғда биз қаламга олган низо жараёнида ҳам худди шундай ҳолат юз бериб турибди.

Биз тарафкашлик ниятидан мутлақо йироқмиз. Бироқ қайси тараф ҳақ бўлса, у ўз мақсадига эришишига тилакдошмиз. Судловдаги ҳар қандай низоли ишга нисбатан ҳақиқат муҳри босилмоғи шарт. Бу эса ўз ўрнида эзгулик оби ҳаёти билан омухта қонунларимизни ишга солишдек муқаддас ҳуқуққа эга судьяларимиздан ҳамиша ҳалоллик ва принципиалликни талаб қилиши, у ёки бу низо устидан ҳукм ўқишдан олдин муайян ҳолатларни ҳар томонлама обдон ўрганиб чиқишга вазифадор эканликлари ҳеч кимга сир эмас. Юқорида айтганимиздек, қонун кўз ёшларига боқмайди. Зеро, унинг обрў-эътибори ва умрбоқийлиги фақат АДОЛАТ мезони билан барқарордир.

Саломатлик

Наманган вилоятидаги "Чортоқ" болалар сиҳатгоҳида 30 йиллаб сабаби сил бўлмаган бўғим-бод касалликлари, асоратланган сурункали тонзиллитлар, энуриз; ҳаракат-таянч аъзолари касалликлари (сурункали астеамиелит, остеохандропатия, пертес касаллиги, ясси ва қинғир оёқлилик; асаб тизими касалликлари — болалар марказий фалажи, полимиелит асорати, плексит, неврит; псориаз, қичима, кератоз, ихтиоз кабилар билан оғриган 3-15 ёшли болаларни даволаш ишлари қизғин олиб борилади.

Болаларнинг «Чортоғ»и

Салима УМАРОВА

2000 йилдан бошлаб сиҳатгоҳга келадиган болалар сони ортиб, ҳозирги пайтда ҳар ойда 3600 нафар атрофида бемор бола соғломлаштирилмоқда.

Уч ой ёзда эса бу контингент янада ортиб, ҳар ойда дам олиб — даволанувчи болалар сони 4000 нафардан ҳам зиёдни ташкил этяпти. 2000 йил 20 февралдан "Сиҳатгоҳ" бош шифокори бўлиб ишлаб келаётган Валижон Тожибоев билан айни шу шифо маскани фаолияти хусусида суҳбатлашар эканмиз, мавзумиз мақсади бемор болалар учун бу даргоҳда яратилган шарт-шароитларга қаратилди.

— Биласизми, ҳозирги пайтда сиҳатгоҳ Наманган вилоят ҳокимлигининг соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфида бўлиб, вилоят бюджетидан молиялаштирилади. Даволанаётган болалар ҳам асосан Фарғона водийсидан, кўпроғи вилоятимиздан келаётган бемор болалардир. Олдинги даврдагидай, республика бўйича бола қабул қилиш учун сиҳатгоҳни тубдан таъмирлаш, ички шароиту иқтисодий имкониятни янада яхшилаш лозим.

— Кечирасиз, болаларнинг ўйнаб-ўқиб, дам олиб даволанишлари учун имкон-шароитлар эътироф этгудай. Биргина оғриқ қолдирувчи юқори кучланишли ток билан ишловчи, "микровелла" жиҳози ҳамма ерда ҳам йўқ.

— Дарҳақиқат, сиҳатгоҳда бола соғлиғини тиклаш учун 1 ой давомида даволаниб ҳаёт кечиради. Тўғри, изчил муолажалар баробарида кўникиш учун ажратилган бўш вақтлар ҳам кўзда тутилган. Шу боис 300 ўринга мўлжалланган мактабимиз ҳам мавжуд бўлиб, у ерда даволанаётган ўқувчиларга давлат таълим стандартлари асосида билим берилади.

Энг муҳими, ҳали айтганимиздай, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси орқали Япония гранти асосида Германиянинг "Немектрон" фирмасидан 69020 АҚШ доллари қийматига эга 8 хил замонавий физиотерапевтик аппарат олинди. Бу аппаратлар яхши оғриқ қолдирувчи, мускулларни стимулловчи хусусиятларга эга. Уларни қўллаш натижасида даволаш ишларининг самарадорлиги ортди.

— Физиотерапевтик муолажалардан ташқари бошқа ҳам асосий даволаш воситалари мавжуд бўлса керак?

— Албатта, юқоридаги воситалардан ташқари, парафин қўйиш, массаж, игна қўйиш, даволаш физкультураси, минерал сувли ванналар ёрдамида даволаш ишлари амалга оширилади.

— Кўпчиликни Чортоққа етаклаб келадиган нарса унинг шифобахш минералларга бой суви бўлса керак.

— Шифобахш сувимизнинг 1 литрида 54 мг. натрий, 54 мг. калий, 98 мг. хлор, 0,020 мг. йод, 0029 мг. бром, оз миқдорда радон ва азот мавжуд. Ҳарорати 48-54 С бўлиб, энг юқори минераллашган намакоб саналади ва юқорида тилга олганимиз касалликларни даволашда жуда яхши натижа беради.

— Даволаш ҳақида сўз бораракан, бир нарсани билгим келяпти. Юқорида кўплаб касалликлар қаторида асаб тизими касалликлари болалар марказий фалажи каби оғир дардни даволаш хусусида ҳам гапириб ўтдингиз.

— Биласизми, бундай касаллик билан оғриган болаларнинг бутунлай тузалиб кетишлари қийин. Бироқ сиҳатгоҳимизга изчил — уч йиллаб келаётган, мутлақо тўшакдаги беморларимиз лоақал қўл-оёқ ҳаракатини тиклаб, 20 қадамлаб юраётганлари, қўлида ниманидир тута олиш қобилиятини тиклаётганлари бор. Бу уларни мутлақ қарамликдан қутқаради. Лоақал овқатларини ўзлари ейиш, ҳожатга ўзлари бора олиш имконига эга бўладилар.

Мавзунинг хулосаси

Мазкур сиҳатгоҳда даволанадиган касалликлар билан оғриган бемор болалар мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳам бор. Демакки, "Чортоқ"нинг шифобахш сувидан тортиб барча даво-муолажалари улар учун ҳам зарур.

Ана шуни назарда тутган ҳолда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа мутасадди идоралар ушбу муаммонинг ечими хусусида ўйлаб кўрсалар, мақсадга мувофиқ иш бўларди.

Мулоҳаза

Талабалар таҳликада. Домланинг шарпаси кўринди.

Домла деганимиз аслида кўркинчли эмас, аммо ҳамма бало шундаки, топшириқлар бажарилмаган...

Ниҳоят дарс бошланди. Натижа ҳаммага маълум бўлса-да, берилган топшириқлар озгина илинж билан ва озгина расмиятчилик юзасидан сўралди. Кутилганидек, вазифалар бажарилмаган — башаралар аллақачон қотиб улгурган...

Мақсадсиз одам — кераксиз буюм

Голиб БАҲРОМ

Яқинда қулоғимга бир гап чалинди: "Мактабни битирсам, Россияга бораман, пул топаман, машина оламан!" Индаллосини айтганда, бунақанги "улуғ мақсадли" гапларга озми-кўпми қулоқлар ҳам ўрганиб қолди.

Вақт сўзига берилмаган таъриф қолмаган бўлса керак. Жумладан, америкалик ёзувчилар Ог Мандио ва Бадди Кейнинг "Акабарнинг умидномаси" номли асарида ушбулар битиб қўйилган: "Ҳозир" — ўйлаб улгурмасингдан ортда қолади, чунки сенинг ҳаётинг нари бориб, икки мангулик ўртасидаги оний лаҳзадир".

Ҳақиқатда, биргина имконияти — оний бир лаҳзасини беҳудага ҳавога совурганлар озми дунёда.

Бизнинг айни замонимиздаги, билимли, кучли, ақлли, ва албатта, бахтли бўлиши кутилаётган ёшларимизнинг олдиларига қўйган мақсад ва муддаолари, интилишлари борми? Улар мавжуд имкониятлардан унумли фойдалана олишяптими?

"Яшашдан мақсадимиз нима, олдингизга бирор мақсад қўйганмисиз?" деган саволларга ёшлар, тенгдошларим орасидан жавоб қидирдим.

Берилган жавобларнинг аксарияти "пул топиш, бой бўлиш" қабилида эди. Шунинг учун уларни сўзма-сўз келтириб ўтиришни ножоиз деб топмадим.

Бир дўстимни ушбу масалага тортишга чоғландим. Сабаби, у ўзининг билими, интилиши эвазига ўқишга кирган, университетда ҳам туппа-тузук аъло баҳоларда ўқиб юрган тиришқоқ талабалардан эди. Нима бўлди-ю, университетда ётиб олиб қидирса ҳам топилмайдиган (бу ўринда бироз муболаға бор), доим дўконда савдо-сотиқ қилиб ўтирган ҳолда учратадиган бўлдим.

Ўз-ўзидан савол туғилади, уни нима жин урибди-ю, ўқишни иккинчи даражага суриб қўйиб пул топиш иштиёқига тушиб қолибди, деган. Мен бу билан талаба ишламасин, фақат ўқисин деган фикрдан йироқман, негаки ҳам ўқиб ҳам ишлайдиган талабалар кўп. Лекин улар аввало ўқишни ва ундан сўнг вақт топиб ишлаш имконияти яратишган. Бизнинг қаҳрамонимиз эса бу саволга жавоб берар экан, ўқишга киришдан олдин орзу-умидлари борлигини, аммо ота-онаси кексайиб, бироз тоблари қочганлиги ва натижада оила ташвиши унинг зиммасига юклатилганлигини айтди.

Бу ўринда хулоса чиқаришга камина ожизлик қилдим ва хулосани кўпни кўрган ўқувчилар ихтиёрига қолдирдим.

Яна бир суҳбатдошимдан олган жавоб ҳаммасидан аянчли эди: "Мен мақсадим нима эканлигини билмайман". Бу жавобдан иккимиз ҳам қониқмадик ва у: "Ростдан ҳам нима учун яшаётганлигимни билмайман", деб жавобини тўлдирди.

Алам қиларлиси, мусоҳибимнинг на юзида, на сўз оҳангида изтироб ва надомат ҳисси мавжуд эди, янада алам қиларлиси, у бўлғуси психолог эди.

Шу боис бундай мақсадсизликларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳақида, инсон мақсадини англаб етишида салбий таъсир этувчи ҳолатлар хусусида социолог Илҳом Дилмуродов фикри билан қизикдик.

— Оилада ота-она муносабатларида аниқ мақсадга йўналтирилганлик бўлмаслиги, фақат битта йўналишни, жумладан, иқтисодий манфаатларни кўзловчи тушунчаларнинг устувор бўлиши ҳамда ота-онанинг иложи борича фарзандларини ўз касбига ёки ўзлари хоҳлаган бирор касбга йўналтиришга ҳаракат қилиши; мактабларда ёки маҳаллада баъзи бир гуруҳларнинг таъсирига тушиб қолиши; оммавий ахборот воситаларидаги баъзи бир мафкуравий таъсирга эга бўлган кўрсатувлар; сиёсий маданий клиплар ва ҳатто мусиқа оҳанглари; тарбиячининг тарбияланганлик даражаси; баъзи адабиётлардаги сохта назарий ғоялар; таълим олиш жараёнида фақат битта йўналишга йўналтирилганлик каби жараёнлар ёшларни, умуман, инсонларни ўз мақсадларини англаб етишига салбий таъсир ўтказади.

Инсон ҳаётида мақсаднинг ўрни борасида психолог Муяссар Аҳмедовага мурожаат қилдик.

— Мақсадсиз одам гўё кераксиз буюм, ҳаётда ўз олдига мақсад қўйган одам эса ҳар доим ҳаракатда, интилишда бўлади ва ўзи, оиласи, қолаверса, бутун жамият учун фойда келтиради. Улар жамият ва мамлакат тараққиёти учун зарур бўлган кишилардир. Шу боис бундай кишиларни шакллантириш лозим. Бунинг учун биринчи ота-она ва педагоглар масъул. Улар болани тарбиялашда ҳаётда бирор мақсад билан яшашга ўргатиши керак, болада инсонийлик, фидойилик каби хислатлар тарбияланмаса, унинг мақсадларида худбинлик, эгоистлик шаклланиб боради. Тарбиясига тўғри пойдевор қўйилган шахсда реал имконияти даражасидаги мақсадларни олдига қўйишдан бошлаб, билимининг ошиши, атрофдагиларни кузатиш натижасида мақсадлар ҳам юксалиб боради. Энг муҳими, ўзига ва жамиятга фойдали мақсадлар вужудга келади.

Чиндан жамият тараққиётида, инсон камолотида мақсадлиликнинг ўрни муҳим экан, савол туғилади: жиноятчилар ёки ташқи таъсирларга берилиб йўлдан адашиб кетаётганлар ҳам мақсадсиз тентираб юрганлар ёки нотўғри мақсад сари йўналтирилган тарбиявий пойдевори мўрт кимсалар эмасмикин?..

***

Домлалар таҳликада... ширин таҳлика...

Қандай қилиб домла талабасидан ҳадиксираши мумкин дейсизми?

Мумкин, ахир тиниб-тинчимас илми толиб оч, унинг таоми илм, ҳар дақиқа очман деб устозидан илм даъво қилгач, унинг нафсини қондириш осонми?..

У — ҳаётда ўз мақсадига эга!

У билади, илм — ўз мақсадига элтувчи йўл, илм — жаҳолотдан саодатга олиб чиқувчи зиё.

МММда

Эмлашда ҳикмат кўп

Соғлиқни сақлаш илми эмлаш туфайли юқумли касалликларни бартараф этишда жиддий ютуқларни қўлга киритди. Қизамиқ, паротит, қизилча, дифтерия, сарғайма сингари оғир кечадиган касалликлар асоратсиз ўтадиган ёки бутунлай юқмайдиган бўлди. Шулар ҳақида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФ ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил қилинган очиқ мулоқотда сўз борди. 16-22 апрель кунлари Европа иммунизация ҳафталиги ўтиши муносабати билан юртимиз ҳам 25 давлат қаторида шу кампанияда иштирок этади.

Мамлакатимизда бу борада сезиларли муваффақиятлар қўлга киритилди. 2002 йилдаёқ Ўзбекистон "Полиомиелитдан холи ҳудуд" деган мавқега эришди. Кўп йиллардан бери бирорта ҳам бўғма касаллиги билан оғриган бемор аниқланганги йўқ. 2 ёшгача бўлган болаларнинг 95 фоизгача қисми тўла эмланди. Пойтахтимизда 10 ёшдан 25 ёшгача бўлган фуқароларнинг қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш тадбири муваффақиятли ўтказилди.

Юқумли касалликларга қарши кураш мунтазам олиб борилиши шарт. Тарғибот ишларида ОАВнинг алоҳида ўрни бор. Бу ҳақда нуфузли ташкилот вакиллари таъкидлаб ўтдилар. Очиқ мулоқот жараёнида иштирокчиларнинг кўплаб саволларига жавоблар қайтарилди. Эмлаш кампаниясининг самарадорлигини таъминлаш, тадбирда аҳолининг асосий қисмини жалб этиш ва унинг муҳимлигини таъкидлаш мақсадида журналистлар ўртасида конкурс эълон қилинди.

"Огоҳлантир. Ҳимоя қил. Эмлат" шиори остида ўтадиган ҳафталик доирасида республикамизда амалий тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

МУХБИРИМИЗ

Қатралар

Жаҳонгир МИРЗО чизган

Тешиктош олдида

Пойимардда Парпи ота зиёратгоҳи бор. Мақбара ичида эса Тешиктош мавжуд. Эмишки, Тешиктош сеҳрли бўлиб, тавба-тазарру билан тешигидан ўтган одамнинг гуноҳлари тўкилиб, бир қадар поклананркан. Яна кимнингдир гуноҳи кўп ва оғир бўлса, ўтаётган пайтда Тош қисиб қоларкан деган ривоятлар ҳам айтилади.

Бир куни бир гуруҳ отахонлар, момолару холалар зиёратга келишибди. Автобус ҳайдовчиси жуда шўх, ҳазилкаш экан, одамлар автобусдан тушганларидан сўнг айтибди:

— Эҳтиёт бўлингизлар-да, амма-холалар, бу Тешиктош сеҳрли. Агарда гуноҳларингиз кўп бўлса, қайсиларингиз эрингизга хиёнат қилган бўлсаларингиз, Тош қисиб қолади-я.

Олдинроқда кетаёган Болта қассоб қўшнисиникидан 10 та теракни қарзга олиб, 10 йилдан бери бермай: "Сендан бир тийин ҳам қарз эмасман", деб юраркан, бир маҳал:

— Мирзабек, Мирзабек, мен сендан 10 терак қарзман деганман-а, бераман-да, бераман, — деса, орқароқда келаётган бир момо ҳайдовчига қараб:

— Ойна-ёв, ойна, шу ҳалиги... эрига ҳу-ув уруш даврларида хиёнат қилган бўлсаям, тош қисиб қолаберадими-а?! — дермиш.

Ҳамма бир-бирига маъноли қараб, кулиб юборибди.

Буларни кузатиб турган шайх бобо ўйчан бош чайқаб, изоҳ берибди:

— Яхшилар, мана ўз ихтиёрингиз-ла айбингизга ўзингиз иқрор бўляпсизки, Тошнинг ғаройиб хусусиятиям, қисиб қолганиям аслида шу эмасми?..

Осмонга туфласанг

Бароққош бошлиқ даврада ким йўқ бўлса бас, сабаб-бесабаб ёмонлайверарди. Ҳар гапини "Падарингга лаънат" билан бошлаб, "Падарингга лаънат" билан тугатарди.

Эрталаб бир ходим ҳамхонасидан аста сўради:

— "Падарингга лаънат" борми?..

Саъдина БОБОМУРОДОВА



Ўйнашади «уяли»лар «беркинмачоқ», Бўлгунича катта йўлдан чалғиб, пачоқ.

Тафсилот

Авфпарвар қирол

Таиланд давлат раҳбарини ҳақорат қилгани учун Швейцария фуқароси 75 йилга қамалишига бир баҳя қолди

Мамлакат қиролига ҳурмат борасида таиландликларга етадиган халқ топилмаса керак. Узоқ йиллар мутлоқ монархия тузумида яшаган Жанубий Осиёнинг ушбу давлатида мамлакат қироли миллат рамзига айланган. Ана шу ақидадан келиб чиқиб, кимки давлат раҳбарини ҳақорат қилса, у бутун Таиланд халқи юзига оёқ қўйган ҳисобланади.

Абдул СОБИР.

Яқинда Таиланд судида қиролни ҳақорат қилиш айби бўйича жиноий иш кўриб чиқилди. Бу сафар маҳкаманинг қора курсисида ўтирган айбдор хориж фуқароси – швейцариялик Оливье Жюфер бўлди.

Европалик меҳмон учун жуда катта фожиа билан якунланиши мумкин бўлган ҳодиса 2006 йилнинг декабрида – Таиланд халқи мамлакат қироли Пумипон Адульядетнинг туғилган кунини тантана қилаётганда рўй берди. Оливье Жюфер шу куни дўсти билан меъёрдан ошиқ спиртли ичимлик ичганидан маст бўлиб қолди. Ичкиликбозликка берилиб кетган хорижликлар шишаларини бўшатгач, “шайтон суви”дан яна хоҳлаб қолишди, бироқ икки европалик Осиё давлатида истаган нарсаларини топишолмади (Мамлакатда миллий байрам саналган қирол туғилган кунда дўконларда спиртли ичимликлар сотиш тақиқланади).

Бундан қаттиқ ғазабланган Оливье Жюфер бор аламини шаҳарнинг турли ерларига ўрнатилган қирол суратларидан олди: давлат раҳбари Пумипон Адульядетнинг бешта портретини қизил ранг билан боплаб безаб чиқди. Эҳтимолки, бу безорилик муаллифи топилмай қолиб кетиши ҳам мумкин эди. Бироқ бахтиқаро швейцариялликнинг фожиасига ҳамма бўяш саҳналари кузатув камераларига тушиб қолган экан.

Кўп ҳам ўтмай, Жюфернинг оёғини ерга теккизмай қамоққа олиб бориб қўйишди. Давлат айбловчиси маҳкама жараёнида хорижлик безори учун 75 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини сўради. Дастлаб судья Таиланд қиролига беҳурматлик қилган европаликка 20 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Воқеаларнинг бундай тахлит бўлиб кетишини умуман кутмаган Оливье Жюфер минг бор тавба-тазарру қилгач, судьянинг ҳам кўнгли юмшади: 20 йил муддатни 10 йилга туширди. Швейцариялик тақдирга тан бериб, Осиё давлати қамоқхонасида 10 йил муддатни ўтказиш ҳақида бош қотираётган бир пайтда кутилмаган қувончли хабар келди. Пумипон Адульядет уни ҳақорат қилган хорижликнинг гуноҳидан ўтиб, авф этганини маълум қилди...

Бу Таиланд қиролини ҳақорат қилиш билан боғлиқ биринчи иш эмас. Бундан аввал ҳам мазкур айблов билан бир қанча хорижликлар маҳкамага тортилган. Масалан, 1994 йили Таиланд полицияси қирол оиласи аъзоси – маликага нисбатан танқидий сўзларни айтган француз ишбилармонини ҳам ҳибсга олганди. Қайси юртда эканини унутиб қўйган француз ҳам маълум муддат қамоқда ўтиргач, авфпарвар қиролнинг марҳамати билан қўйиб юборилганди.

Дарвоқе, Таиланднинг 80 ёшли қироли Пумипон Адульядет мамлакатни 1946 йилдан бери идора қилади. Тай халқининг беқиёс ифтихорига айланган кекса ҳукмдор бу жиҳатдан, яъни давлат тепасида узоқ туриш борасида дунёдаги айни пайтда ҳаёт бўлган подшоҳу қирол, князу герцог, хуллас, жамики монархларни ортда қолдиради.

Таиланд қироли ва унинг оиласини танқид қилиш, уларга нисбатан ҳақоратли сўзлар учун жиноий жазо берилиши тўғрисидаги қонун 1908 йили қабул қилинган. Ўтган давр мобайнида жуда кўп нарсалар ўзгарди, бу орада Таиландда мутлоқ монархия тузуми ҳам тугатилди (мамлакат қироли рамзий маънода давлат бошлиғи бўлиб қолди, унинг асосий ваколатлари эса ҳукумат раҳбари – бош вазирга берилди). Бироқ ҳамма нарса ўзгарса-да, бундан бир аср олдин қабул қилинган қонун ўз кучида қолди. Ким билади дейсиз, Таиландда қирол оиласини идеаллаштиришга хизмат қилувчи бу қонун яна қачонгача амалда бўлади-ю, яна қанча хорижликни панжара ортига йўллайди?..

Бокс, бу — Руслан Чагаев!

Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Ана шу жиҳатларга ишониб кетган кўплаб машҳур кишилар ҳам тўйдан олдин ноғора чалиб Валуевни чемпионлик билан табриклашга тушиб кетишганди. Ҳаттоки дунё бокси афсонаси Дон Кинг ҳам ўйиндан олдиноқ Валуев ғалабасини эълон қилиб қўя қолган эди.

Рус боксчисининг ўзи ҳам беллашувдан олдин ўтган матбуот анжуманида: «Ушбу жанг олдинги баҳслардан фарқ қилмайди, яъни амалда ҳеч нарсани ўзгартирмайди», дея кучига ортиқча баҳо бериб юборди.

Руслан Чагаев эса ҳали асосий сарҳисоб бошланмасдан туриб турли тахминларга берилиб кетган мутахассисларга жавобан: «У каттами, кичикми менга фарқи йўқ. Асосийси, олдимга қўйган энг катта мақсадим бор — мен жаҳон чемпиони бўлишим керак!», дея ғалабага бекиёс ишончини намойиш этди.

Кутилгандек Штутгарт шаҳридаги беллашув спортда шунчаки ҳавойи гап-сўзлар эмас, амалий ҳаракат бирламчи эканини кўрсатди. Қолаверса, ушбу баҳс боксда спортчининг жисмоний ҳолатидан ҳам кўра унинг техник маҳорати ва руҳий тайёргарлиги муҳимроқ эканини яна бир карра исботлади.

Дунё эътиборида бўлган бутун жанг давомида ҳамюртимиз ўзига ишонч руҳида баҳс олиб борди. Русланнинг чаққон хатти-ҳаракати, профессионал боксчига хос кучли ва аниқ зарбалари “рус айиғи”, “енгилмас қоя”, “саккизинчи мўъжиза”, яна бир қатор жарангдор номлар билан танилган жаҳон чемпионини шошириб қўйди.

Айтиш керакки, юртдошимизнинг бу галги рақиби ҳақиқатан ҳам ўта кучли ва тажрибали боксчи эди. Ахир, супероғир вазнда йиллар давомида мағлубиятсиз кураш олиб бориш, манаман деган бокс афсоналарини ер тишлатиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бироқ ўзбек спортининг фахру ифтихори саналган Руслан ана шу енгилмас қояни ҳам йиқита олди. 12 раунд давом этган баҳсда ҳамюртимизнинг қўли баланд келди. Ўйин якунида ҳакамлар ўз хулосаларини эълон қилган пайтда барча томошабин ва мухлислар ҳам Ўзбекистон спортчиси ҳақли равишда ғалабага эришгани ва WBA таснифида жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлганини эътироф этишди (уч кишидан иборат ҳакамларнинг биттаси 114:114 натижани қайд этган бўлса, қолган икки нафари Русланнинг имкониятини юқори баҳолади: 115:113, 117:111).

Шу тариқа ўзбек боксчиси ўз олдига қўйган мақсадга эришди. 19 ёшидаёқ ҳаваскор боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган Руслан катта боксда ҳам юқори чўққини забт эта олди.

Жаҳоннинг кўплаб газеталари ҳамюртимизнинг улкан ғалабаси ҳақида ёзаркан, дунё бокси тарихида янги давр — Оқ Тайсон даври бошланаётганини таъкидламоқдалар. Дарҳақиқат, Руслан Чагаев дунё спорт аҳлига ўзбек замини фарзандини нималарга қодир эканини яна бир карра кўрсатиб берди.

С. КАМОЛ

P. S. Ушбу қизиқарли баҳсдан олдин машҳур украин боксчиси, IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Владимир Кличко Николай Валуевнинг ғалабасига сўзсиз ишонишини билдирганди. Ўйиндан кейин украин спортчиси шошиб хулоса чиқарганини тан олди ва Руслан Чагаев юқори техника намойиш этиб кучли рақиби устидан ҳақли ғалабага эришганини эътироф этди. Ҳа, одатда кучлилар кучлиларни тан олишади. Агар кучлини тан олишмаса, у бошқаларни бунга мажбур қилади...

Дарахлар

Франция: рақиблар бирлашиши мумкинми?

Францияда президентлик учун курашаётган номзодлар Сеголен Руаяль ва Франсуа Байру ягона иттифоққа бирлашиши керак. Бу таклиф Франция социалистик партиясининг собиқ раҳбари, айни пайтда Европарламент депутати сифатида ишлаётган Мишель Рокар томонидан илгари сурилди.

Европарламент депутатининг таъкидлашига қараганда, социалистлар вакили Руайяль хоним ва марказчилар номзоди Байру иттифоқи биринчи турда президентлик сайловида фаворит бўлиб турган Николя Саркозини йиқитишда қўл келади. Айни пайтда сайловчилар орасида энг юқори рейтингга эга бўлиб турган Николя Саркози овоз бериш жараёнидаги асосий рақибларидан бири Жан-Мари Ле Пен билан иттифоқ тузишга уриняпти. Аслида Мишель Рокар томонидан таклиф этилаётган бирлашиш ғояси ҳам рақибларга қарши кучли гуруҳ бўлишни кўзда тутади.

Ҳозирча Сеголен Руаяль хоним рақиблардан бири билан иттифоққа бирлашиш борасидаги таклифга очиқ муносабат билдирмаган. Ўз навбатида Франсуа Байру ҳам биринчи турда вақтинча бирлашиш тўғрисидаги ташаббусни эътиборсиз қолдирган. Лекин шуниси аниқки, Ф. Байру Руаяль хонимнинг сайловолди дастурини олдинроқ қаттиқ танқид қилган. Хусусан, французларнинг миллий руҳи ва ватанпарварлик туйғусини тиклаш борасидаги оташин чақириқларни сунъий ва зўраки интилиш сифатида баҳолаган.

Березовский давлат тўнтаришида айбланяпти

Россия бош прокуратураси “ҳокимиятни зўрлик йўли билан эгаллаш” моддаси бўйича Борис Березовскийга қарши жиноий иш қўзғади. Федерация қонунларига кўра, ушбу модда бўйича айбланганлар 20 йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилиши мумкин.

Бундан сал аввалроқ Россия бош прокурори Юрий Чайка Березовскийнинг Россияда давлат тўнтариши уюштириш борасидаги баёноти юзасидан унга қарши жиноий иш очиш кераклигини айтганди.

Шов-шувли чиқишлари билан танилган тадбиркор яқинда Буюк Британиянинг The Guardian газетасига берган интервьюсида Россияда тузумни ағдариш учун қурол кучидан фойдаланиш кераклигини таъкидлаган эди. Мамлакат бош прокурори эса бу фикрларни конституциявий тузумни зўрлик йўли билан ағдаришга очиқ даъват сифатида баҳолаган.

Дарвоқе, Борис Березовский бундан олдинроқ — 2006 йилда ҳам “Эхо Москвы” радиосига берган интервьюсида Россияда қуролли давлат тўнтариши қилиш кераклигини айтганди.

Эслатиб ўтамиз, бундан бир неча йил олдин Россиядан қочиб кетган Борис Березовский айни пайтда Лондон шаҳрида яшайди. Британия ҳукумати унга сиёсий бошпана ва Платон Еленин номи билан паспорт ҳам берган. Москва томони жиноятда айбланаётган тадбиркорни беришни сўраб Лондонга бир неча маротаба мурожаат қилган. Лекин инглиз ҳукумати ҳозиргача Березовский сиёсий қочоқ сифатида Женева конвенцияси ҳимоясида эканини айтиб сўровни рад этиб келади.

Биласизми?

Қайдасан, АСАЛИМ?

Асал еб туринглар, зеро у минг дардга даводир. (Ҳадисдан)

Табиийки, Асални биласиз. Бир неча бор излаган бўлсангиз ҳам керак. Ўшанда уни топганмисиз-йўқми, бу бизга ноаён. Топганингиз ҳам тоза асал бўлганми-йўқми, бундан ҳам бехабармиз. Охирги йилларда “АСАЛ” дейилса, шубҳа билан қараш урфга кириб қолди. Албатта, бу бекорга эмас. Бирор йил олдин Ҳожибой Тожибоев ҳам асал ва асаларичиларни ҳажв қилган эди: “Ўн беш-йигирма йилдирки болаларимиз асал ялагани йўқ. Чунки асалнинг ўзи йўқ-да! Асал шунақа бўлар экан-да, деб шакар қиёмини еяверишади” қабилида гап қилганди. Албатта, сўз устасининг гапи қизиқчиликка хос бўлган лофдан ҳам холи эмас.

Ҳасан ЖАББОРОВ,
асаларичи,
Фаррух ЖАББОРОВ,
журналист

Уч минг йиллик асал

Миср фиръавни Тутанхамон хилхонасидан асал солинган идиш топилади. Аниқланишича, орадан уч минг йил ўтса ҳамки, асал бузилмаган ва ўз хусусиятларини йўқотмаган экан. Бу — халқимиз орасида тез-тез эсланадиган “Асал айнимас,..” деган нақлнинг яққол исботи. Илмда туркий халқлар аждодлари деб қараладиган скифларда давлат арбоблари вафот этгач, мумлаб қўйилган. Яна тарихий китобларда айтиладики, Александр Македонский вафот этгач, танасига асал сурилган (узоқ муддат бузилишдан сақлаш учун), сўнгра ўз юртига олиб кетилган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, одамлар минг-минг йиллар олдин ҳам асал хусусиятлари ҳақида жуда яхши билишган. Испаниядаги Аран ғоридан топилган археологик топилмалар эса миллоддан аввалги 10-5 минг йилликларда одамлар асаларичилик билан шуғулланганини исботлайди. Қадимги дунёнинг машҳур табиблари ва ўрта асрларда яшаб ўтган таниқли табиблар ҳам асалнинг шифобахшлигини, бу жиҳатдан унга тенг келадиган бошқа доривор топиш мушкуллигини эътироф этишган.

Асал ўзи нима?

Асал — асалари ишлаб чиқарадиган асосий маҳсулотдир. Ишчи арилар табиатдаги шираларни йиғиб келиб, қайта ишлаш йўли билан асалга айлантиради. Бу жараёнда сахароза ўзгаришга учраб, фруктоза ва глюкоза ҳосил қилади. Кимё илмига оид адабиётларда асал таркибидаги бу икки модданинг нисбати қарийб тенглиги айтилган.

Асал — “жониворлар вужуди таркибидаги асосий моддалардан бўлмиш рибозни ўз ичига олган ягона озуқа моддаси, микроб тушмайдиган бирдан бир егулик” (“Илоҳий мўъжизалар” китоби). Асал қарийб 100% организмга сўрилади ва унинг 1 килограмида 3200 калория қувват бор.

Асалда 300 дан зиёд модда мавжудлиги аниқланган: органик кислоталар, уларнинг тузлари, углеводлар, витаминлар, гармонлар, ферментлар, эфир ёғи... “Асал хосиятлари” китобида ёзилишича, унинг таркиби 32% глюкоза, 2% сахароза, 36% фруктоза, 8% малтоза, 20% сув, 2% минерал тузлардан иборат. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида асалда 80% дан кўпроқ углеводлар (глюкоза, фруктоза) борлиги айтилган. М. Абдулхаева ва Ў. Мардоновларнинг “Кимё” китобида ҳам “асалда бир вақтнинг ўзида глюкоза ва фруктоза 80%”ни ташкил этиши қайд этилган.

Албатта, барча асалнинг таркиби бир хил бўлмайди. Турига кўра кимёвий таркиби ҳам фарқланади. Бу ўринда асал қайси ўсимликдан олингани ва ўша ўсимликнинг кимёвий таркиби ҳам аҳамиятлидир.

“Одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат”

Қуръони каримнинг Наҳл сурасида асалга шундай таъриф берилади. Асалнинг шифобахшлиги қадим-қадимлардан ҳам яхши маълум. Қадимги Миср табобатида асал ва мумдан шифо учун фойдаланишнинг 500 дан ортиқ рецепти бўлганлиги ҳақида бизгача маълумотлар етиб келган. Ибн Сино асалнинг бошқа бир қатор шифобахш хосиятлари билан бирга тинчлантирувчи хусусиятини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб тиббиётда асал билан даволаш усуллари — апитерапия шаклланди. Асалнинг бошқа даво воситалардан асосий фарқи шундаки, у комплекс таъсир қилади. Меъёр унутилмаса, заррача ҳам салбий таъсир кўрсатмайди. Тоза асал аллергия қўзғамайди, организмни ёш ва соғлом сақлайди. Бизда асосан қишда асал ейилади (иссиқлик бўлгани учун). “Илик узилар пайт” ҳисобланган кўкламда ҳам асал истеъмол қилиш организмдаги витаминлар танқислигининг олдини олади, иммунитетни оширади. Тиббиётда 45 ёшдан ўтгач, ҳар куни асал истеъмол қилиб туриш тавсия этилади. Шифобахшлик жиҳатидан тўқ рангли асал оч рангли асалдан афзалроқдир. Шунингдек, асал билан даволанишда қайси ўсимликдан олингани ва ўша ўсимликнинг шифобахшлик хусусиятлари ҳам инобатга олин-



са, кўзланган натижага янада тезроқ эришиш мумкин. Энг қизиғи шундаки, асал озишда ҳам, семиришда ҳам бирдай ёрдам берар экан...

Асалнинг шифобахш хусусиятлари, албатта, шулар билан тугамайди. Бу борада ҳурматли ўқувчилар биздан кўра кўпроқ маълумотга эга бўлсалар ҳам керак. Чунки асал халқимиз орасида даво воситаси сифатида жуда машҳур. Шунинг учун бу ҳақда ортиқча тўхталмаймиз.

Асал турлари

“...Табиатдан олиниш манбаига кўра гул (нектар) асали ва шира (ўсимлик барглари ва пояларидан ажраладиган шира) асалига бўлинади” (ЎзМЭ). Халқ орасида эса асал асосан тоғ асали ва чўл асалига ажратилиб фарқланади. Одатда тоғ асали юқори сифатли ҳисобланади ва нархи ҳам шунга яраша бўлади; Ўзган асали, Зомин асали, Чимён асали каби жой номлари билан аталади. Чўл асали эса бироз бошқачароқ таснифланади, яъни одатда нимадан олинган бўлса, ўша ўсимлик оти билан номланади: пахта асали, кунгабоқар асали, беда асали каби. Дашт ҳудудларидан олинган асаллар ҳам аксар ҳолларда чўл асали билан бир гуруҳда саналади, нархи орасида ҳам фарқ унчалик катта бўлмайди. Лекин сифати, айниқса, шифобахшлиги борасида даштдан олинган асал жуда тоғ асалидай бўлолмаса ҳам, ундан қолишмайди. Хусусан, ковул асали, оққурай асали ва бошқа дашт ўсимликларидан олинадиган асаллар ҳам жуда шифобахш ва хуштаъмдир. Фақат ранги оч бўлади ва бир турли ўсимликлардан олинганлиги учун таркиби тоғ асаличалик бой бўлмайди. Тоғ асали турфа хил доривор гиёҳлар гулидан йиғилганидан ранги тўқ (кўпинча тиллоранг) бўлади ва алоҳида хушбўй ҳид таратиб туради. Таркиби ҳам шунга яраша бой, табиийки, шифобахшлигида бошқаларига қараганда юқоридир. Табиатдан олиниш манбаи турли-туман бўлгани сабабли тоғ асали одатда алоҳида ўсимлик номлари билан сифатланмайди.

Умуман олганда, асал турларининг юқоридаги ва бошқа манбаларда берилган таснифлари ҳам нисбийдир. Чунки бир ўсимлик турли минтақа (тоғ, чўл, дашт)да ўсиши ҳам мумкин. Шунингдек, бир неча ўсимликлардан олинган асаллар табиий равишда аралаш ҳолда ҳам учрайди. Масалан, ғўза ва кунгабоқар асали ва ҳ. Тоғ ва чўл асали аралашмасидан иборат асал ҳам бўлади... Ва бунинг бошқа сабаблари ҳам бор. Ҳарҳолда бизда энг кенг тарқалган асалларни юқоридаги тасниф бўйича фарқласа бўлади. Қолаверса, мақола кўпроқ тажриба ва кузатишлар асосига қурилгани учун мутлақ илмийлик талаб қилмайди.

Асалари бўлишга уринишлар

Мана, одамзод XXI асрга келиб, ҳатто сунъий одам яратяпти. Одамни клонлаш қўлидан келган инсоният негадир сунъий асал тайёрлай олмаяпти. Бунга уринишлар бўлмаган дейсизми? Аслият бўлган жойда, албатта, сохтагарчилик ҳам бўлганидек, асаларисиз асал ишлаб чиқаришга ҳаракатлар анча илгаридан бери давом этиб келмоқда. Натижа эса... натижа эса бир гуруҳ қавмдошларини алдашдан нари ўтишга ярамаяпти. Айрим бозорларда ва йўл бўйларида сотилаётган баъзи асалларга асалдан бошқа нарсалар ҳам қўшиш ҳоллари кўп учрайди (Пойтахтимиз бозорларида тоза асал кўп, лекин ҳаммасининг сифатига кафолат бериб бўлмайди). Бундай “асал”лар таркибида умуман асал бўлмаслиги эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Ҳаёт қизиқ-да, баъзан шундай воқеалар ҳам бўладики, ҳайратдан ёқангни ушлашга мажбур бўласан: сохта асални доимий еб юрган одамлар ҳақиқий асалга дуч келса, уни тан олмаслиги ҳам мумкин. Биз бунга шахсий тажрибамизда кўп учраганмиз.

Сохта асал таркиби асосан шакардан иборатлиги ва ҳақиқий асалга ўхшатиш учун ҳар хил химикатлар ёки ёт нарсалар қўшилиши сабабли шифолиги у ёқда турсин, ҳатто соғлиққа зарар қилади. Аллергия қўзғаши, бир дардга минг дард қўшиши мумкин; қандли диабетни кучайтириши ва қон босимини ошириш ҳоллари ҳам учрайди. Агар фақат шакардан тайёрланган бўлса, бу ўз йўлига. Тоза асалнинг ҳам паст нархда сотилишини инкор қилмаган ҳолда айтиш керакки, сохта асалнинг биринчи белгиси жуда арзонлиги — қарийб шакар нархида эканлигидир.

Тоза асални қандай билиш мумкин?

Ибн Сино асал танлашда қуйидагича тавсия беради: “Асалнинг энг яхшиси ширин мазали, ёқимли ҳидли, бироз ўткирлиги бор, қизғиш рангли ва суюқ бўлмай, узилмайдиган ёпишқоқ бўлганидир”. Унга қўшимча қилиб, асалда ширинликдан ташқари қўшимча ёқимли таъм ҳам бўлишини айтиш лозим. Қолаверса, асални ширин дея сифатлаш ҳам унчалик тўғри эмас, сал нордонроқ таъми бўлади ва димоғни қитиқлайди, қичиштиради. Асал сотиб олишда адашмаслик учун яна қуйидаги хусусиятларини ҳам билиб олиш зарар қилмайди.

Сифатни кўрсатувчи асосий белгилардан бири ҳид: тоза асалнинг ўзига хос, хушбўй ва ёқимли ҳиди бўлади. Айниқса, асал ҳиди қайнатилган сувда эритилганда алоҳида сезилади. Сохта асалнинг ҳиди қайнатилган шакар ёки хўрозқандни эслатади. Ҳозирда хушбўй ҳид бериш учун сохта асалларга ҳар хил ароматлар ҳам қўшилади.

Асал рангсиз, оч сариқ, қаймоқранг, тиниқ сариқ, тўқ сариқ, қизғиштоб, қизғиш, шунингдек, малламтир қаҳварангда ҳам бўлади. Умумэътироф этган меъёрларга кўра энг яхши асал очиқ олтин ранглисидир.

Тоза асал иликроқ сувда эритилса, тиниқ бўлмайди — сал бўтанароқ бўлади.

Яхши ва меъёрида пишган асал қотиш жараёнида бир маромда кристаллашади, эришда ҳам. Бу хусусият кўпроқ тоғ асалига тегишли. Чўлда олинган асалнинг айримлари эса эриганда устки қисмидан эриб келади. Агар асал намлиги ва ҳарорати юқори бўлмаган жойда сақланса, қишда уни, Ҳожибой Тожибоев айтганидек, ҳатто пичоқ билан кесиб олиш ҳам катта қийинчилик туғдиради. Сохта асал эса қишда ҳам қотмайди (ҳар хил воситалар билан қотирилиши ҳам мумкин). Умуман қишда суюқ асал сотиб олиш тавсия этилмайди. Чунки тоза асал эритилган тақдирда ҳам ўз шифобахшлигини йўқотади. Табиий хусусиятларини сақлаб қолиш учун эритиш вақти асал 60 С дан қизиб кетмаслиги керак. Глюкоза кристаллашувчанлик хусусиятига эга бўлганлиги учун чўл асали одатда тез қотади. Таркибида нисбатан фруктоза кўп бўлган тоғ асалида эса бу жараён секинроқ юз беради.

Табиий асал чойга солинса, тезда ёйилиб кетмайди. Шунингдек, бу хусусиятини қоғозга ёки шунга ўхшаш бирор нарсага томизиб ҳам текшириб кўрса бўлади.

Ҳақиқий ва сохта асал орасида турадиган яна бир тур асал борки, уни нима деб аташни ҳам билмайсан, киши. Мавсум мобайнида табиатда шира кам бўлса, асаларичилар асаларига шакарли сув беради. Асалари эса уни асалга айлантиради. Унда кам бўлса ҳам табиий асал хусусиятлари бўлади, лекин шифобахшлиги ҳақида унчалик қатъий кафолат бериб бўлмайди.

Доимий еб юрмаган одам учун, албатта, тоза асални сохтасидан ажратиб олиш осон эмас. Шунинг учун, асални фарқламасангиз, энг яхшиси, аниқ экспертизадан ўтганини ёки ишончли асаларичилардан харид қилганингиз маъқул. Айниқса, шифо учун бўлса...

Эътироз

«Мен иқтисод докториман»

уни Россия Иқтисодиёт ва бизнес халқаро академияси берган

Журналист Муҳаммаджон Обидов “Ҳуррият” газетасининг 2007 йил 17 январь сонида чиққан “Ўзим билан суҳбат” мақоласида: “Олий аттестация комиссияси берган маълумотга кўра, (Олий аттестация комиссияси раиси К. Султоновнинг 2006 йил 21 сентябрдаги № 227 хати) ҳеч қачон, ҳеч қаерда илмий унвон олиш учун диссертация ёқламаган вилоятнинг собиқ ҳокими М. Исломов фамилияси остига “Иқтисод фанлари доктори, профессор” деб имзо қўйиб нашр этдилар (“Фарғона ҳақиқати” 2006 йил №55-57)”, деб ёзган. Газетхонларда менга нисбатан бошқача фикр пайдо бўлмаслиги учун М. Обидов мақоласининг менга аталган қисмига ойдинлик киритишни лозим топдим. Ажаблантирадиган ҳолат шундаки, М. Обидов менинг Москвадан Россия Иқтисодиёт ва бизнес халқаро академиясидан “Иқтисод доктори” илмий унвон олганлигимни била туриб, уни негадир Ўзбекистондан қидиришга ҳаракат қилган.

Илмий унвон олиш жараёни қуйидагича бўлган. Мен илмий иш билан 1991 йилдан буён шуғулланаман. 1994 йилда Россия Иқтисод ва бизнес халқаро академияси олимлари кенгаш аъзоларини (жами 11 нафар) Фарғона шаҳрига таклиф этгандик. Ўшанда Москва шаҳрида чоп этилган “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ислоҳот ва муаммо” (Москва — 1993 йил) деб аталган монографиям асосида илмий-амалий конференция ҳам ўтказилган. Ундан кейин ҳам бир неча илмий мақолалар ёздим, бир неча асарларга ҳаммуаллифлик қилдим. Ана шуларнинг натижаси ўлароқ, Россия Иқтисод ва бизнес халқаро академияси 2006 йил 17 январда менга “Иқтисод доктори” илмий даражаси ва профессорлик илмий унвонини берди.

Тўғри, бу ерда биздан ҳам озгина хатолик ўтган. “Фарғона ҳақиқати” газетасининг 2006 йил 55-57 сонларида чиққан мақолага имзомдан кейин илмий унвон ва даража берилган жой ҳам аниқ кўрсатилиши керак эди. Ана шунда шунчалик гап-сўз бўлмасди, ҳеч ким уни қидириб овора бўлиб юрмасди. Ўшанда ким ўйлабди бундай бўлади деб. Индаллосини айтганда бор гап шу.

Мирзажон ИСЛОМОВ,
“Экосан” халқаро ташкилоти
Фарғона вилояти филиали бошлиғи

ТАҲРИРИЯТДАН: Юқоридаги хатга аниқлик киритиб, маълум қиламизки, дарҳақиқат, “Фарғона ҳақиқати”нинг 2006 йил 55-57 сонидаги мақолада М. Исломов “Иқтисод фанлари доктори, профессор” деб аталган. Маълум бўладики, аслида бошқачароқ экан, М. Исломов иқтисод доктори бўлиб, бу илмий даража унга Москвадаги Иқтисодиёт ва бизнес халқаро академияси томонидан 2006 йил 17 январда берилган.

Бизнингча, масалага энди анча ойдинлик киритилди ва шу билан томонлар таскин топади, деган умиддамиз.

Йўқлов

Закийлик

Домла Озод Шарафиддинов қанчалик жиддий, теран фикрли ижодкор, олим, мунаққид бўлишига қарамай ҳар қандоқ суҳбатдош билан бўладиган гурунгга файз киритиб турадиган ўзига хос ҳазил-мутойиба, юморнинг устаси эдилар.

Қарийб тўққиз йилга чўзилган хуружли дарднинг азоб-уқубатларига чидаш ҳамда тинимсиз ижод билан банд бўлишларига қарамай Устоз ўзларининг мана шу шакаргуфторлик фазилатларини ҳеч қачон тарк этмаганларининг гувоҳиман.



Дадахон НУРИЙ

Ёзувчилар "калхўзи"

Озод аканинг қабулхонасига кириб келганимда у киши бир чимрилиб қарадилар-да, тажангроқ оҳангда "ўтир" дедилар қаршиларидаги курсига ишора қилиб.

Ўтирдим.

— Менга қара, сен ҳам бундоқ ёлчитиб бир идорада ишлагинда! Ҳали Ҳиндистон, ҳали Покистон қилиб юравермай...

Устоз нечук ўз ҳузурларига чорлагани, нима учун гапни юқори "парда"дан бошлагани сабабини олдиндан билардим. Яъни мендай "қўнимсиз" бир бандани янги ташкил этилган, ўзлари бош муҳаррир бўлган "Жаҳон адабиёти" журналига ишга олмоқчилар, тўғрироғи, каминани маҳкам жиловлаб ишлатмоқчилар.

У кишининг қай даражада тартиб-интизом соҳиби, шунингдек, ўта талабчан "инжиқ" инсонлиги "Адабиёт" деб аталмиш даргоҳ атрофида ўралашиб юрадиган каттаю кичикка яхши маълум. Шунинг учун гапнинг дангалини айтдим:

— Журналнинг "Шарқ адабиёти бўлими"да жон-жон деб ишлардим-у...

— Бўлим бошлиғи бўлиб! Ойлиги ҳам яхшигина! — гапим орасига таъкидлагандай шу сўзларни қистириб қўйдилар устоз.

— ... Битта лекини бор-да — масъул ишда ишлаяпман.

— Қанақа иш, ким бўлиб?

— Колхозда раис бўлиб!

— Қаерда колхозинг?

— Бўстонликда.

— Э-ҳа, — Озод аканинг сал чеҳралари очилгандай бўлди, — у ерга алюминий заводига ўхшаш "комплекс"лар қурилишига қарши курашганларинг зое кетмай тақдирлашибди-да! Ҳозир колхозларнинг аҳволи анча танг дейишади, сенда ишлар дурустми?

— Ёмон эмас "годовой"ни яхши якунладик. Ҳеч кимдан қарзимиз йўқ!

Олти-етти йиллар олдинги, "ошкоралик" деган русум авжга минган, завод-фабрикаю колхоз-совхозлардан тортиб маҳалла-кўй раислигигача даъвогарлар кўпайиб кетган, оломон йиғинларда ким кўпчилик овоз олса, ўша мансаб тулпорига минган даврларнинг шабадаси ҳамон эсиб турарди.

Шунинг учун шумлик қилиб айтган гапларимга чиппа-чин ишондилар устоз.

— Энди, бизнинг журналга кимни тавсия этасан?

Бу "масала"ни ҳам олдиндан пишитиб қўйгандим.

— Амир Файзуллани. Жуда иқтидорли одам!

— "Маҳабхарата", "Рамаяна"ни таржима қилган йигит-да. Иш берармикан!

— Ишлатасиз-да, Озод ака! Қолаверса, Ойбек домланинг оқ фотиҳасини олган!..

Қулоғимга чалинган гапларга қараганда "колхоз"га раислигимни домла икки-уч давраларда гапириб, овоза қилибдилар.

Лекин орадан тўрт-беш ой ўтгач, кузга яқин сир очилиб қолди: домланинг яқин шогирдларидан, таги бўстонлиқлик адабиётшунос олим ва ижодкор Ортиқвой Абдуллаевга "Яқин-яқингача газета, журнал таҳририяти ходимларига колхоз-совхозлар оталиқ ёрдами кўрсатиб, имтиёзли баҳода картошка-пиёз, мева-чева ажратарди", дебдилар-да, мени тилга олиб, "Илтимоснома хатимизга йўқ демас", дея "колхоз"имизнинг номини сўрабдилар.

Ортиқвой ака ҳам устоз билан бемалол гаплашаверадиган қирқ йиллик таниш-билиш. Бошини лиқиллатиб, елкаларини "учириб" кулиб юборибди.

— "Колхоз" эмас, ёзувчилар дала ҳовлиси! Мен сизда ишлаш билан бирга, ўша ер раисининг ўринбосариман! — дебди.

— Чўрт побери! — домла ярим жилмайиб ёзишга шайланган ручкани бир четга улоқтирибдилар.

Шундан кейин Озод ака "колхоз"имизга ташриф буюрдилар. У кишини "хўжалигимиз" "шахмат ишқивозлари раиси" академик Матёқуб Қўшжонов бошчилигида кутиб олдик.

Устознинг менга қарата ярим ҳазил билан айтган гаплари шу бўлди:

— Колхозинг зўр-ку!

Озод акага атрофни ўраб турган тоғ манзараси, айниқса, далабоғимизнинг шундоқ ёнбошида жойлашган Чорвоқ денгизидан уфуриб турадиган майин ҳузурбахш шабадали ҳавоси жуда ёқиб қолди. Тез-тез келадиган бўлдилар. Адиблар ўртасида шахмат мусобақасини ўтказиб туриш фикри ҳам ана шундай ташрифлардан бирида домла томонидан ўртага ташланганди.

Озод ака дала-боғимизнинг учта бўлимидан бирининг номи расман "Калкўча" (бу ерда яшовчи қаламкашларнинг аксари сартарошга фақат соқоли ўсгандагина иши тушадиган М. Маҳмудов, Э. Воҳидов, Э. Малик, М. Кенжабек, Э. Муҳаммад, Ҳ. Имомбердиев, И. Маҳмуд, А. Носиров, У. Қўчқор каби зотлардан иборат эди.) деб аталишини билганларидан сўнг "КАЛХЎЗ"нинг биринчи бўғинига алоҳида урғу бериб айтадиган бўлгандилар... Ҳатто "Шахмат турнири" давомида ўзаро беллашадиган гуруҳлардан бири домланинг таклифи билан "Калкўча" деб аталган. Ҳар гал мусобақа бошланишидан олдин баланд овоз билан: "Мен шу гуруҳ шарафи учун дона сураман", деб эълон қилардилар.

Хуллас, Озод домланинг ҳазил-мутойибаси билан далабоғимиз "Калхўз" бўлиб кетган.

Буни 2005 йилги "Шахмат турнири"да у кишининг ўзлари яна бир таъкидлаб:

— Ҳозир ҳамма ёқда "калхўз" сўзи муомаладан чиқиб бўлди. Лекин ягона бўлиб, Бўстонликда "ёзувчи калхўзи" сақланиб қолса керак, — дегандилар.

Кўмсаш

Яқин дўстим, аҳён-аҳёнда мен "нонини яримта қилиб юрувчи" ҳамкасбим, машҳур мусаввир Баҳодир Жалолов кўпдан буён Озод ака хонадонига бориб, у кишининг портретини ишлаш ниятида эканлигини айтиб юрарди.

Ниҳоят, домла ҳузурига бошлаб бордим.

— Э, Баҳодиржон, на суратдан, на сийратдан ҳеч вақо қолмадику. Аввалроқ қаерда эдинглар! — деди Озод ака ярим ҳазил-ярим чин қилиб. Ва қўшиб қўйди: — Азиза Маматова ҳам келганди, суратингизни ишлайман, деб. Мен "Отангни онангга бепардоз кўрсатма", деганлар, яхшиси ёшроқ чоғларимни назарда тутиб ишлаганинг маъқул, дедим. Билмайман, ишлаяптими-йўқми, сизларга ҳам маслаҳатим шу! Кимники зўр чиқса, мана шу меҳмонхонанинг тўрига илиб қўямиз.

Баҳодирга Озод аканинг бир ҳовучгина бўлиб ўтириши жуда ғаройиб кўриниб кетди, шекилли:

— Мана шу туришингиз худди Маҳатма Гандининг ўзи! — деди.

— Ҳа, елкамдаги қалами сарупога ишора қиляпсиз-да. Буни яқинда Ҳиндистондан хонадонимизнинг яқин кишиси бўлиб қолган Говинда Рам келтириб берди. Бинойидек, менга ярашди. Лекин мендан Ганди ҳам, минг ҳаракат қилганларинг билан одамлар кўрганда "оҳ" деб юборадиган дурустроқ сурат ҳам чиқмайди. Унинг устига оёқ дегулик жойи ҳам қолмаган болдирнинг азоби етиб-ортиб турибди.

Сездикки, Озод акани дард қийнамоқда. Ҳозир сурат ишлаш вақти эмас...

Дала-боғда ўтказилган навбатдаги шахмат турниридан анча вақтлари чоғ (чунки қарийб уч соатга чўзилган дона суришлардан сўнг шоир Азим Суюнни "тавбасига таянтирган" эдилар), кайфиятлари баланд ҳолда қайтиб келган бўлсалар-да, бир ҳафталардан сўнг ўзларини ёмон ҳис эта бошладилар. Анча жиддий бўлиб қолдилар. Ёлғиз қолишни истар, ҳатто Шарофат келинойига ҳам: "Ҳадеб атрофимда парвонага ўхшаб гирдикапалак бўлаверманг", деб қолардилар.

Дўст-биродарлар, узоқ-яқиндан келган шогирду ҳамкасблар ҳовли яланглигидаги катта каравотда ўтириб, хонадон соҳиблари билан гурунглашиб, қайтиб кетардилар.

Мен эса устоз томонидан юклатилган адабиёт оламидаги янгиликлардан ҳафтада бир "мухтасар ахборот бериб бориш вазифаси"ни ҳамон адо этиб турардим.

Озод ака ҳузурига кириб келишим билан бирор янгиликни интиқлик билан кутгандай, бошини хиёл кўтарар, ҳорғинликданми, сал юмилиб қолган кўзлари чарақлаб кетгандай бўларди. Мен гапни қўлимдаги янги чиққан "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг шарҳидан бошлардим...

Ўша кунни аниқ эслайман — 18 сентябрь эди. Устоз ҳузурига кириб келганимни кўрди, қарадилар ҳам. Лекин нигоҳларида бефарқлик сезгандай бўлдим. Фақат:

— Келдингми? — дедилар.

— Келдим. Озод ака, қалайсиз?

Жавоб мен кутгандай бўлмади:

— Тушимга Абдулла ака (А. Қаҳҳор) кирибди. Сен у кишининг суратини чизган эдинг-а! Ўша сурат йўқ эмиш.

— Сурат домланинг уй музейларида турибди, Озод ака, — дедим.

— Дарвоқе, кўрганим бор — иккинчи қаватда...

Мен шу баҳона устозни гапга солмоқчи бўлдим:

— Кеча Азиза Маматова вазирликдан Шуҳрат Ризаевни, Мирпўлат Мирзо бошлиқ "Жаҳон адабиёти" жамоасини ўз устахонасига таклиф қилиб, янги портретингизни кўрсатди. Мен ҳам бор эдим. Унча ёқинқирамади суратингиз.

— Нега?

— Кўзимга "Пётр первий"дай бўлиб кўриндингиз.

— Диккайтириб, мўйлов ҳам қўйибдими? — жиддий қараш қилиб сўрадилар.

— Қўйганда-ку, ғирт ўша подшонинг ўзи бўлардингиз! Энди айтганингиздагидек қилиб ўзим ишламасам бўлмайди. Ўн ёшга ёшартиришим мумкин.

Устоз норози бўлгандай беписанд қарадилар:

— Нега ўн ёш! Ана Алишер (ўғиллари)га қараб чизсанг, нақ йигирма ёшга ёшараман.

— Бунинг қийинчилик жойи йўқ. Айтганингиздай бўлади... "Адабиёт" газетасининг янги сонини олиб келдим.

Устоз "чарчадим" дегандай кўзларини юмиб олдилар...

Мен у киши айтган портретни ишладим. Афсус, ўзлари кўролмадилар. Ҳозир ўша суратнинг асл нусхаси Озод ака хонадонининг меҳмонхона залида, яна бир катта қилиб ишлангани эса Бўстонликдаги "Озод Шарафиддинов номидаги Ёзувчилар далабоғи"га олиб борадиган шоҳкўча бўйида турибди.

— Нега, яхши эмасми?

— Яхшиликка яхшику-я, — деди-да, ўйланиб сўзида давом этди: — бир неча йиллар аввал ресторан олдида тобим қочиб йиқилиб қолгандим. Кўричагим ёрилиб кетган. Дунёда яхши одамлар борлигидан омон қолганман. Мени касалхонага олиб борган кишини ҳозиргача билмайман...

— Билишни хоҳлайсизми? — юзига термулиб сўрайман. — Мен айтган жойда тўйни ўтказишга рози бўлсангиз, сизнинг халоскорингиз билан таништираман.

— Йўғе, сиз уни танийсизми?

— Ҳа, танийман. Тўйга албатта таклиф қиламиз.

— Ундай бўлса, розиман...

Танишув

Сиз кўп йиллардан бери биладиган одам, айтайлик, таниқли мусаввир ё бастакор, илмий мақола, рисолалар битадиган олим, талабаларга сабоқ берадиган муаллим таҳририятга бир туркум шеър кўтариб келди. Ахир ўн саккизга кирмаган, шеър ёзмаган ким бор дегандай, биров дил розини бошқалар билан баҳам кўриш, матбуотда чиқиш учун ёзса, кимлардир ўзи, кўнгил хуши учун ёзади. Ўзи филолог олим, бунинг устига адабиёт муаллими бўлса-ю, ёши бир жойга бориб қолганда шеърият дарвозасини секин тақиллатса, ҳайрон бўлманг.

Қодиржон ПИРМАТОВ *— фан номзоди, доцент, Тошкентда ўтадиган адабий гурунг, анжуманларга, қадрдонларнинг тўй-маросимларига вақт топиб Жиззахдан етиб келганига кўп гувоҳ бўлганман. Бу сафар бир туркум шеър олиб келибди, қалб кўри, ёшлик эҳтироси билан ёзилган. Ўзингиз ўқиб кўринг, баҳо беринг.*

Сайди УМИРОВ,
Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ

Боғларингда сайрадим, жўшдим, Ватан!

Ўзимсан, ўзлигимсан,
Авлодлардан меросим,
Армоним ҳам бахтимсан.
Ҳар бир қарич ерингга
Пирларим макон қурган.
Садо келар тарихдан,
Илму уммон конидур.
Маъносига минг таъриф,
Дейишга арзигулик
Жонимсан, жаҳонимсан.
Нечун мен
Шу Ватандан ифтихор қилмай.
Истаганда,
Эркаландим, яйрадим, ўсдим.
Истаганда,
Боғларингда сайрадим, жўшдим.
Истаганда,
Мен ирмоқни дарёга қўшдинг.
Баъзан эса чилвир ипдай
Чийратдинг, эшдинг.
Истаганда,
Орзуларим қанотида учдим самога.
Истаганда,
Болангман-да, соғиндим, қучдим.
Сипқораман қонганимча тоза ҳавонгдан
Сел бўламан тинглаганда сирли навонгдан
Нечун мен
Шу Ватандан ифтихор қилмай.
Нечун мен
Тавоб қилмай отажоним ҳокини.
Нечун мен
Кўзга сурмай онажоним изларин.
Нечун мен
Шу Ватандан ифтихор қилмай.

Хаёл

Хаёл!
Сен бунчалар чексизсан,
бунчалар буюк.
Менинг мунис волидамдай
меҳрли суюк.
Порлаган Қуёшим, Ойдай сирдошим
Эрта кетганидан сенсан дардкашим.
Хаёл!..
Сен қалбимни қуйдирган
жароҳат — ўқсан.
Ногаҳон ҳамламдан баъзида йўқсан.
Сен бўлсанг чувалар ўйларим
гоҳида бўм-бўш.
Хаёл!..
Сен юлдузга ўхшайсан,
Мен бир йўловчи.
Офтоб чиқса оламга
юзингга парда тортиб,
Куним тунга айланса,
Нур сочасан бошимда.
Хаёл!..
Қанотингда кўп кездим,
Ерни, сирли осмонни.
Нурга талпиндим-у,
Бўшлиқни қучдим.
Хаёл!..
Менга тинчим бермасдан,
Онадайин тергайсан.
Бу сирли нағманг сенинг
Хаёл уммонига чўмдирар.
Хаёл!..
Мен сенга кўп ёлвордим,
Бир зумга Онамни қайтар деб.
Меҳрига тўйгунча тикилай,
Кўзим гавҳарига жо бўлсин Онам.
Сўнгра суратини чизарман
Гўёки Хаёл, сўнг
Бу менинг волидам-ку, деса
Одамлар ҳайратда қолиб.



Вокеа

Алмамат АБДУЛЛАЕВ

Тақдир шамоли

Намозшом. Муҳташам «Истиқлол» ресторанидан шўх куй ва қўшиқлар янграмоқда. Замонавий ёшлар замонавий кийиниб, замонавий машиналарда кела бошладилар. Бир зумда «стоянка» хилма-хил русумдаги машиналар билан лиқ тўлди. Давлатимиз мустақил бўлди. Озодлик қандай яхши! Озодлик, мустақиллик ҳаммага ҳам насиб этсин! Қисқа йиллар мобайнида шунчалик катта ўзгаришлар бўлибди. Кўзинг қувонади, кўнглинг яйрайди. Мен бу манзарани диққат билан кузатарканман, ёнимда пишаётган турли хил кабоблар иси димоғимни қитиқлаб, анча очқаганимни сездим. Тўйиб егим келса-да, бунинг имкони йўқ эди...

Мен бу кўркам шаҳарда 20 йил ҳар хил лавозимларда ишлаб, кўп дўстлар орттирганман. Мени вилоятда кўп кишилар танирди. Ҳозир-чи? Ҳозир ҳеч ким мени танимаяпти. Мен ҳам одамларнинг таниши учун шошилаётганим йўқ. Севимли шаҳримни, унинг кишиларини, собиқ иш жойимни, тарихий обидаларни тонггача айланиб, томоша қилгим келар, аммо юракдаги қўрқув бунга йўл бермасди. Барибир ҳам тонгни оттиришим лозим бўлади. Уйимга, бола-чақамнинг олдига етишга анча масофа бор.

Мен ўтирган кўча курси қаршисидаги ўриндиққа эллик ёшлар чамасида бир киши келиб чўкди. Кўринишидан хўжалик раисига ўхшайди. У негадир безовталанар, гоҳо ўрнидан туриб, айланиб келар, яна ўтирарди. Кеч шабадаси эсиб, ҳаво анча салқин бўлишига қарамасдан қорнини ушлаб, рўмолчаси билан терлаган юзларини тез-тез артади. Мен унинг бу ҳолатига чидолмадим. «Тез ёрдам» чақириш учун ресторан ҳовлисига шошилдим. Қулоқларни қоматга келтирадиган мусиқа садоси остида замонавий ёшларнинг «замонавий» рақсларини кўриб ҳангу манг бўлиб қолдим. Кимга мурожаат этмайин, ҳеч ким эътибор бермасди. Ҳамма ўзи билан банд. Деярли ҳаммада «сотка». Лекин «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилишнинг иложи йўқ. Кўчага чиқдим. Не кўз билан кўрайки, бемор узала тушиб тротуарда ётарди. Кўчадан ўтаётган одамлар бепарво. Камроқ ичса ўлармиди, дея пичинг қилиб ўз йўлидан қолмасди.

Такси ҳайдовчиси билан мен беморни кўтариб касалхона қабулига топширарканмиз, у киши ҳақида ҳеч нарса билмаслигимни айтдим. Навбатчи врач тезликда операция қилажагини, кўричак ёрилиб кетганини, акс ҳолда ёмон ҳолат рўй беришини айтиб, кутиб туришимни уқтирди. Такси ҳайдовчиси хизмат ҳақини сўради. Мен бўлган воқеани тушунтирдим ва чўнтагимда пулим йўқлигини, кейинчалик уни топиб, албатта етказажаклигимни айтдим. У эса норози оҳангда, ўзингизга инсоф берсин, дея машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Бундан бир йил аввал мен ҳам мана шу дардни бошимдан ўтказгандим...

1 июнь. Душанба. Бугун Бугун жаҳон болаларни ҳимоя қилиш куни. «Речка»дан салқин шабада эсиб, «хата»нинг сассиқ хидларини тозалаган бўлди. Эрталабдан қорнимда оғриқ турди. Ўнг томонимда игна санчгандек бўлди. «Санчаст»га илтимос қилиб чиқдим. Ҳаммага бериладиган бир хил таблеткалардан берди. Ҳеч қанақа ўзгариш бўлмасдан оғриқ тобора кучая бошлади.

Соат 14 лар чамасида шаҳар марказий касалхонасидан врачларни чақиришди. Улар қорнимни босиб кўриб, кўнглим айниётганлигини, бир неча марта ўхчиб, безовталаначаётганлигимни сўраб билиб, кечгача кузатишни ўзимизнинг «врач»га тайинлаб кетишди. Хатага келиб икки букилиб қолдим. Оғриқ тобора авжига чиқа бошлади. Кечга бориб ҳолсизлана бошладим. Хонадошларим (хонада 33 маҳбуслармиз) менинг аҳволимга чидаш бера олмасдан, эшикни тепа бошлашди. Навбатчи врач мени тушунди. Шаҳар касалхонасидан келган ёшлари олтмишни қоралаган шифокор мени обдон текшириб, кўричак бўлганлигимни аниқлади ва тезликда операция қилиш кераклигини айтди. Ҳужжатларимни расмийлаштиришга икки соатдан ортиқ вақт кетди. Қочиб кетмаслик тўғрисида тилхат ёздириб, қамоқхона бошлиқ ўринбосари полковник Бердиевга рўпара бўлдим.

— Сиз яхши инсонга ўхшайсиз, мабодо қочиб кетиш ёки ўз жонингизга қасд қилиш ҳоллари бўлмас деб ўйлайман, — деди полковник.

— Кўнглингиз хотиржам бўлсин, сиз ўйлаганчалик жиноятчи эмасман, — дедим.

Қуролланган офицер ва икки конвой билан қўлимга кишан солиб ҳибсхонадан «Тез ёрдам» машинасига олиб чиқишди. Касалхона яқин масофада экан шекилли, бир зумда етдик.

— Тезликда операцияга тайёрланг, — деди менга диагноз қўйган врач. Деворда осиғлиқ соат миллари роппароса 24 ни кўрсатиб турарди. Мени аравачага ётқизиб, операция столига олиб киришди. «Телохранител»ларимни ичкарига қўйишмади. Новокаин билан ўлдирилган танамни кесар экан, практикант қизларга дарс ҳам ўта бошланди.

Мени улар «тажриба» учун олиб келишгандек эди, назаримда. Қўл ва оёқларим боғланган. Оғриқ устига оғриқ. Лабларим, томоқларим қуриб борар, қора терга ботиб бораётганлигимни, кўз олдим қоронғулашаётганлигини сезсам-да, чидашим кераклигини, озодлик учун курашаётганимни, қаерда эканлигимни унутмаслигим лозим эди. Бундан ташқари, ўн ой мобайнида «бу ер»нинг об-ҳавосига анча «ўрганиб» қолганлигим, баъзи маҳбуслар ўзининг вена қон томирларини ўзи кесганларини, ҳатто ўлим ҳоллари рўй берганини ўз кўзим билан кўрганим, қисқаси, «маҳбус» эканлигимни эсимдан чиқармасдан чидай олишим шарт эди!

...Осмондаги булутларнинг бир қисми ерга, яъни менинг оёқларим остига туташиб кетган. Булутлар секин ҳаракатда. Нариги томонда зилол сувлар шовқинсиз оқмоқда. Табиат гўзал. Атроф ям-яшил. Ўт-ўланлар бир текисда, худди футбол ўйингоҳидаги каби. Мевали дарахтларнинг мен ҳеч кўрмаган турлари хил-хил пишган. Дарахтларнинг тагига бирорта мева ёки барг узилиб тушмаган. Жимжитлик ҳукм сурмоқда. Оппоқ кийимларга ўралган одамлар бир-бирлари билан гаплашганларини кўрмадим. Ҳар ким ўзича секин муаллақ юрибди.

Манзара шунчалик чиройлики, уни сўз билан ифодалаш қийин. Одамлар менга жудаям яқин келишди. Ёки мен уларга яқин бордиммикин, билмадим. Орамиздаги оппоқ булутлар баъзида бутунлай йўқолиб қолади. Шунда одамлар мени имлаб ёнларига чақиришади. Уларнинг эркак ёки аёл эканликларини билиб бўлмасди. Чунки юзлари оқ мато билан кўзларигача беркитилганди. Уларнинг ёнига ўтишга жудаям ҳавас қилдим. Қанчалик ҳаракат қилмайин, барибир, оқ булутлар у томонга ўтишимга йўл бермасди. Шунда бир киши менга қўлини секин кўтариб, ўтмаслик ишорасини қилди. У кишининг кўзлари шунчалик менга таниш эдики, гўё ҳар куни бу кўзлар билан учрашгандекман.

Мен у инсонга қаттиқ тикилиб қолдим. У мен томонга икки қадам ташлади-да, юзидаги оппоқ матони секингина туширди. Не кўз билан кўрайки, мен учун энг азиз бўлган инсон, бундан икки йил аввал йўқотган қадрдоним ОТАМ эди. «Ота!» — дея овозимнинг борича бақирдим. Овозим чиқдими ёки йўқми билмадим. Баданимга санчилган игна оғриғидан кўзимни очсам, операция давом этмоқда экан. Жаннатга тушишни бирам истардимки... эсиз, дўхтирлар қўйишмади-да.

Орадан йиллар ўтди. Ҳаётим аста-секин яхши томонга силжий бошлади. Вилоят миқёсида яна қайта кўрина бошладим. Бир куни бошлиғимиз ўғлини уйлантириш учун ресторан танлашни мен билан маслаҳатлашди. Мен «Истиқлол»ни танладим. Чунки ёшлар учун қулай жой эканлиги эсимга тушди.

— Майлику-я, лекин менга унчалик ёқмайдиган жойда, — деди у хомуш оҳангда.

Огоҳлик

Мактабларда – тарғибот

Пойтахтнинг энг гавжум Шайхонтоҳур туманида ҳам киши кўрса кўзи қувонадиган бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Ушбу биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида туман ИИБ Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг ҳам улушлари бор, албатта. Туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида текширувлар натижасида аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун таълим муассасалари раҳбарларига 630 банддан иборат ёзма кўрсатма берилиб, қисқа муддат ичида уларнинг 520 таси бартараф этилишига эришилди.

Мактаб ўқувчиларининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, уларнинг бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таништириш ва улардан фойдаланишга ўргатиш мақсадини кўзлаган кўргазмали суҳбат-таништирувлар ўтказилди. Уларда 15 мингдан ошиқроқ ўқувчи ёшлар иштирок этди. Туман мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилиб, улар бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминланди. Йил бошидан буён фавқулодда иккинчи заҳира чиқиш йўлларидан фойдаланиш, кўнгилли ўт ўчириш ва ёш кўнгилли ўт ўчирувчи гуруҳлар таркибидан ўқитувчи ва тарбиячилардан иборат 120 киши ҳамда юқори синф ўқувчилари билан 45 маротаба амалий машғулотлар ташкил этилди. Туман халқ таълими бўлими билан келишилган режа асосида 2006-2007 ўқув йилида ёнғин хавфсизлиги қоидалари мавзусида 10 соатлик қўшимча дарслар ташкил этилиб, ўқитувчи ва тарбиячилар томонидан ўқувчи ёшларга саволжавоб ва мулоқот тарзида тушунтириб келинмоқда.

Алломаларимиздан бирининг "Ёшликда олинган илм мисли тошга ўйилган ёзувдир" деган ҳикматини эслаб, фавқулодда хатарли ёнғин балосидан бино ва иншоотлар, айниқса, инсон умрини асраш-дек вазифаларни ёшларга тушунтириш муҳим омил эканини айтмоқчимиз. Айни вазифаларни биз, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари устозлар ва мураббийлар кўмагида ўқувчилар ва ёшларга ўргатиб боришга доим тайёрмиз.

Алишер ЭРГАШЕВ,
Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЁХБ инспектори, катта лейтенант

O'ZINGNI ANGLA!
HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.
Тел-факс: 135-39-01. Тел: 142-49-91, 142-52-72
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 30
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г-354 Т: 3457 1 2 3 4 5